



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

№ 1040

2020 йил «28» октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ “САЙЛОВ – 2019: ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР, ТАКЛИФЛАР” ЯКУНИЙ АХБОРОТИ ТЎҒРИСИДА

2019 йил 22 декабрь куни “Янги Ўзбекистон - Янги сайловлар” шиори остида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча жараёнлар умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва энг мақбул хорижий амалиётлар, мамлакатимизнинг сайловлар соҳасидаги мажбуриятлари ва миллий тажрибасига биноан юқори савияда ташкил этилди.

Буни сайловлар жараёнини бевосита кузатиб борган нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент ассамблеяси, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши миссиялари кузатувчилари ва хорижий давлатларнинг 800 нафардан ортиқ кузатувчилари алоҳида эътироф қилди.

Сайловчилар ўзларининг конституциявий ҳуқуқларини тўлақонли амалга ошириши учун барча шароит яратилди ва улар бу имкониятдан самарали фойдаланди.

Ўзбекистон миллий сайлов амалиётида илк маротаба янги Сайлов кодекси амалиётга киритилди. Янги Кодексга мувофиқ жамият ҳаётида сиёсий партиялар роли янада кучайтирилиб, сайлов қонунчилиги халқаро сайлов стандартларига тўла мослаштирилди. Барча вакиллик органларига фақат сиёсий партиялар томонидан номзод кўрсатиш институти жорий этилди.

Илк бора Сайловчиларининг ягона электрон рўйхати шакллантирилди. Бу мамлакатимиз миллий сайлов тизимидаги мутлақо янги амалиёт бўлди. Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимининг тўлақонли ишлашини таъминлаш мақсадида шакллантирилган мазкур рўйхатга сайлов ёшидаги 20,5 миллиондан зиёд фуқароларга доир маълумотлар киритилди ва улардан сайловлар жараёнида белгиланган тартибда фойдаланилди.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахслар мамлакатимиз тарихида биринчи марта овоз беришда иштирок этди.

Сайлов кодексининг 33-моддасига биноан сайловларда илк маротаба фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ҳам кузатувчилар иштирок этгани мазкур сиёсий тадбирни ўтказиш жараёнида жамоатчилик назоратини сезиларли даражада оширди ва сайловларнинг очиклиги, ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилди.

Шу билан бирга, сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнларида бир қатор муаммолар ва камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Кенг жамоатчиликни сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишлари натижалари билан таништириш, бўлажак сайловларда аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида МСК амалиётида илк бор сайлов яқунларига бағишланган таҳлилий ахборот ишлаб чиқилди.

Ушбу ахборотни тайёрлаш учун мамлакатнинг 14 та ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, экспертлар иштирокида “2019 йилда ўтган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда эришилган ютуқлар, юзага келган камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари”га бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилди. Ушбу давра суҳбатлари давомида бир қатор фикрлар ва таклифлар тингланди, муҳокамалар давомида сайлов жараёнининг ҳар бир босқичи чуқур таҳлилдан ўтказилди.

Мазкур фикрлар ва таклифларни умумлаштирган ҳолда, шунингдек халқаро ва маҳаллий кузатувчилар томонидан билдирилган тавсияларни ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Сайлов – 2019: ютуқлар, муаммолар, таклифлар” яқуний ахбороти тайёрланди. Мазкур ахборот сайлов қонунчилиги ва амалиётини такомиллаштириш бўйича навбатдаги чораларни аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14 ва 16-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби Х.Маматовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий вакиллик органларига 2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган сайловларнинг таҳлили натижалари юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Сайлов 2019: ютуқлар, муаммолар, таклифлар” яқуний ахбороти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ахборотда 2019 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, сайлов жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш ҳамда сайлов натижаларини эълон қилиш билан боғлиқ босқичлар атрофлича таҳлил этилганлиги, эришилган ютуқлар, юзага келган муаммолар, йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ўрин олганлиги қайд этилсин.

3. Марказий сайлов комиссиясининг Котибияти (Х.Маматов):

“Сайлов 2019: ютуқлар, муаммолар, таклифлар” якуний ахборотини электрон шаклда (PDF форматда) ўзбек, рус ва инглиз тилларида Марказий сайлов комиссиясининг веб-сайтига жойлаштирилишини;

“Сайлов 2019: ютуқлар, муаммолар, таклифлар” якуний ахборотини рисола сифатида ўзбек, рус ва инглиз тилларида 500 нусхада чоп этилишини ҳамда уни манфаатдор вазирлик ва идораларга, хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихоналарига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ва халқаро ташкилотлар қошидаги дипломатик ваколатхоналарига, бошқа манфаатдор шахсларга юборилишини таъминласин.

4. “Сайлов 2019: ютуқлар, муаммолар, таклифлар” якуний ахборотида акс этган тавсияларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича Марказий сайлов комиссиясининг ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳ (М.Истамов) бир ойлик муддатда:

“Сайлов 2019: ютуқлар, муаммолар, таклифлар” якуний ахборотида билдирилган тавсияларни амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини, уларни манфаатдор томонлар билан келишиш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда муҳокамасини ташкил этишни таъминласин;

етук олимлар, экспертлар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари жалб этган ҳолда миллий сайлов амалиёти ва қонунчилигини янада демократлаштириш ва такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқилишини ва уни амалга оширилишини ташкил этсин.

5. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари М.Истамов зиммасига юклансин.

Раис

М. Абдусаломов

*Марказий сайлов комиссиясининг
2020 йил 28 октябрдаги 1040 сон қарорига
1-ИЛОВА*

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ САЙЛОВЛАР

САЙЛОВ – 2019: ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР, ТАКЛИФЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий вакиллик
органларига 2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган сайловларнинг таҳлили**

ҚИСҚАРТМАЛАР

ЎзР	Ўзбекистон Республикаси
ҚР	Қорақалпоғистон Республикаси
МСК	Марказий сайлов комиссияси
Сайлов кодекси	Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси
МЖТК	Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси
Олий Мажлис	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (парламент)
Қонунчилик палатаси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (парламентнинг қуйи палатаси)
Сенат	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати (парламентнинг юқори палатаси)
ТИВ	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги
ИИВ	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
АКТ вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
ДБА	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси
Маҳаллий кенгашлар	Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари
ЎзЛиДеП	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
“Миллий тикланиш” ДП	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
Адолат СДП	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси
ХДП	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Экопартия	Ўзбекистон Экологик партияси
МДХ	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
ШХТ	Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти
ЕХХТ	Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти
ЕХХТ ДИИХБ	Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси
БМТнинг Тараққиёт дастури	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури
СЖБАТ	Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими
СЯЭР	Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати
ОАВ	Оммавий ахборот воситалари
ОСК	Округ сайлов комиссиялари
УСК	Участка сайлов комиссиялари

МИННАТДОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2019 йил 22 декабрь куни Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда:

ижро ҳокимияти органлари – ЎзР Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, ҚР Вазирлар Кенгаши, ҳокимликларга – сайлов участкаларини тузиш, уларни тегишли бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминлашда кўрсатган ёрдами учун;

хорижий давлатларнинг ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларига – сайловда кузатувчи сифатида иштирок этиш юзасидан таклифимизни қабул қилгани, сайловларни холисона кузатиб боргани ва ўз таклиф ва тавсияларини бергани учун;

хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ва муассасаларига, ЎзРнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ваколатхоналарига – хорижда сайловчиларни рўйхатга олиш ва овоз беришни ташкил этишда кўрсатган ёрдами учун;

халқаро ҳамкорларимиз, хусусан БМТнинг Тараққиёт дастури, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори офиси вакилларига – сайловларга тайёргарлик жараёнида кўрсатган техник ёрдами учун;

ОАВ вакилларига – сайловларни шаффоф, очиқ-ошкора ўтказиш, сайловлар жараёнида йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишда кўрсатган фаоллиги учун;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига – сайловларда вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этгани ҳамда депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ўтказишда, номзодларни зарур маълумот ва ахборот материаллари билан таъминлашда кўмак берганлари учун;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига – сайловлар жараёнида ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ва хавфсизликни таъминлашда кўрсатган ёрдами учун;

сайлов комиссиялари аъзоларига – сайловларни адолатли, ҳалол ва шаффоф, умумэътироф этилган стандартлар ва энг мақбул амалиётлар, мамлакатимизнинг сайловлар соҳасидаги мажбуриятларига биноан ўтказишдаги иштироки учун;

ишлаб чиқариш корхоналарининг меҳнат жамоаларига – сайлов жиҳозларини ишлаб чиқариш ва жойларга етказиб беришдаги фидокорона меҳнати учун;

ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар ва тренерларга – сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов масалаларига оид билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган семинар-тренингларни ўтказишда кўрсатган амалий ёрдами учун

энг муҳими, барча сайловчиларга сайловлардаги фаол иштироки учун

самимий миннатдорлик билдиради.

МЕТОДОЛОГИЯ

Мазкур Ахборот ЎзР МСК томонидан БМТнинг Тараққиёт дастури кўмагида 2020 йил феврал ойида ташкил этилган “Сайловдан олинган сабоқлар” ҳудудий дастури асосида ишлаб чиқилган.

Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш самарадорлиги масалаларини муҳокама қилиш мақсадида барча ҳудудларда сайлов жараёнининг ташкилотчилари ва иштирокчилари, шу жумладан барча даражадаги сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жалб қилинган давлат идоралари вакиллари иштирокида 14 та “давра суҳбатлари” ташкил этилди.

Муҳокамалар сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш, шунингдек сайлов қонунчилиги ва амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди.

Шунингдек, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш йўллари аниқлаш, сайлов жараёнида манфаатдор тарафларнинг ролини ошириш мақсадида “давра суҳбатлари”да сайлов жараёни ҳар бир босқичи чуқур таҳлилдан ўтказилди.

ЎзР МСК миллий, халқаро ва хорижий кузатувчиларнинг тавсияларини қўллаб-қувватлайди, ва улар мазкур Ахборот билан бирга сайлов қонунчилиги ва амалиётини такомиллаштириш бўйича навбатдаги чораларни аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

I. КИРИШ

2019 йил 22 декабрь куни парламент ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар «Янги Ўзбекистон – янги сайловлар» шиори остида, халқаро андозаларга мосланган янгиланган сайлов қонунчилиги асосида ўтди.

Парламентнинг қуйи палатаси – Қонунчилик палатаси 5 йил муддатга сайланадиган 150 депутатдан иборат. Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан кўппартиявийлик асосида сайланади¹.

Парламентнинг юқори палатаси – Сенат ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланиб, унинг 84 нафар аъзоси ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – 6 кишидан ҚР Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий кенгашлар депутатларининг қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади, 16 нафар аъзоси – ЎзР Президенти томонидан тайинланади².

Маҳаллий вакиллик органлари – маҳаллий кенгашлар ваколат муддати 5 йил. Маҳаллий кенгашларга сайлов ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида 5 йил муддатга ўтказилади³. Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари 60 тадан кўп бўлмаган, Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари – 30 тадан кўп бўлмаган депутатдан иборат.

Сайловлар жамият ҳаётида демократик тамойиллар, очиқлик ва ошкоралик мустаҳкам ўрин олиб, ижтимоий-сиёсий муҳит сезиларли даражада эркинлашиб бораётган, ОАВнинг ўрни ва мавқеи ўсган шароитда ўтди.

Сайловлар умуммиллий сиёсий тадбирга айланиб, уларда жами 177 497 нафар сайлов комиссиялари аъзоси, 744 нафар Қонунчилик палатасига, 4 155 нафар вилоят кенгашларига ва 28 601 нафар туман ва шаҳар кенгашларига, жами – 33 500 нафар депутатликка номзодлар ва уларнинг 79 345 нафар ишончли вакили, сиёсий партияларнинг 54 551 нафар ваколатли вакили ва 59 894 нафар кузатувчиси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг 10 260 нафар кузатувчиси, маҳаллий ва хорижий ОАВнинг 1 155 нафар вакили, шунингдек, 10 та халқаро ташкилот ва элликка яқин чет давлатнинг 825 нафар кузатувчиси, жами 400 минг нафардан ортиқ сайлов жараёни ташкилотчилари ва иштирокчилари, шунингдек 13 963 627 нафар сайловчи бевосита қатнашди.

Сайловларда **биринчи маротаба:**

1) Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЭР) умуммамлакат миқёсида қўлланилди. Мазкур рўйхатга сайлов ҳуқуқига эга 20,5 миллиондан зиёд фуқарога доир маълумотлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси (ЎзР) МСКнинг расмий веб-сайти орқали сайловчилар ўзларига тегишли маълумотлар билан танишиш имконияти яратилди;

¹ ЎзР Конституциясининг 117-моддаси ва Сайлов кодексининг 67-моддаси.

² ЎзР Конституциясининг 77-моддаси ва Сайлов кодексининг 75-моддаси.

³ Сайлов кодексининг 88-моддаси.

2) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган 4 308 нафар шахс сайловчилар рўйхатига киритилди ва овоз бериш жараёнида қатнашди;

3) хорижда истиқомат қилаётган барча ватандошлар учун овоз бериш имконияти яратилди⁴.

Бунинг учун ТИВнинг расмий веб-сайтида⁵ ЎзР фуқароларини сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида электрон шаклда муурожаат қилиш имконини берувчи интерактив хизмати яратилди.

Шунингдек, хорижда ташкил этилган УСК аъзолари томонидан муддатидан олдин овоз бериш даврида кенг миқёсда ватандошлар зич яшайдиган ҳудудларда сайёр овоз беришлар ташкил этилди.

Хусусан, 38 та хорижий давлатда ташкил этилган 55 та сайлов участкасида 112 411 нафар сайловчи овоз берди, бундан 89 807 нафари муддатидан олдин кўчма сайлов қутиларида (сайёр сайловларда) овоз берди;

4) Қонунчилик палатасининг 150 нафар депутатидан иборат таркиби тўлақонли умумхалқ сайловларида тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланди⁶;

5) 180 минг нафарга яқин сайлов комиссиялари аъзолигига номзод ва аъзо 2019 йил 3 августдан 20 декабрга қадар “каскад” усулида махсус дастур асосида интерфаол усулда амалий семинар-тренингларида ўқитилди;

6) 2019 йил 20 октябрдан 20 ноябрга қадар мамлакат миқёсида “Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги” ўтказилиб, тарғибот тадбирлари билан миллионлаб сайловчилар қамраб олинди;

7) Халқаро матбуот марказида юздан ортиқ брифинг ва матбуот анжуманлари, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди, ЎзР МСКнинг 20 га яқин видеоселектор йиғилиши ташкил этилди;

8) сиёсий партиялар ва номзодларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди, улар ўртасида 26 та теледебат тўғридан-тўғри эфирга узатилди;

9) сайловларни молиялаштириш учун республика бюджетидан етарлича миқдорда – 230,5 млрд. сўм (24,3 млн. АҚШ доллари ёки ҳар бир сайловчига ўртача 1,18 АҚШ доллари миқдорида) маблағ ажратилди.

Барча ОСК ва УСК аъзолигига жалб этилган фуқароларнинг иш ҳақи ва компенсация тўловларига 78 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Компенсация миқдорлари комиссия раисига 500,0 минг сўм, комиссия аъзоларига 250,0 минг сўм (солиқ ушланганидан кейин) миқдорида белгиланди.

10) сайлов қонунчилигини бузиш ҳолатлари юзасидан тезкор чоралар кўриш мақсадида 2019 йилнинг 16 декабридан 2020 йилнинг 3 январига қадар барча вилоятлар ва туман (шаҳар) маъмурий судларида доимий навбатчилик

⁴ Аввалги сайловларда ЎзРнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида консуллик рўйхатида турган фуқаролар қатнашиши мумкин эди.

⁵ <http://saylov.mfa.uz>

⁶ Аввалги сайловларда Қонунчилик палатасининг 135 нафар депутати умумхалқ сайловларида тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида сайланган бўлса, 15 нафари – квота асосида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан унинг конференциясида сайланган.

ташкил этилди. Бундай навбатчилик прокуратура ва ички ишлар органларининг барча бўғинларида ҳам йўлга қўйилди.

ЎЗР Олий суди раиси, Бош прокурори ва Ички ишлар вазирининг қонунийлик ҳолати бўйича жамоатчиликка ахборот бериш мақсадида тўғридан-тўғри эфирга узатиладиган матбуот анжуманлари ташкил этилди.

Бундай тизим ОАВ ва ижтимоий тармоқларда сайлов қонунчилигининг бузилиши ҳақидаги хабарларга тезкорлик билан муносабат билдириш имкониятини берди, шунингдек бузилган ҳуқуқларнинг тикланишини ва айбдор шахсларнинг муқаррар жавобгарлигини таъминлади.

Сайловга оид ишларни маъмурий судларда кўриш натижасида ушбу масалаларга оид суд амалиёти шакллантирилди.

2019 йил 22 декабрда бўлган сайловларда жами 13 963 627 нафар сайловчи иштирок этди ва бу сайловчилар умумий сонининг 67,8 фоизини ташкил қилди.

Қонунчилик палатасида энг кўп 53 та депутатлик ўрнини қўлга киритган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Бош вазир номзодини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди⁷.

Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 48 нафари ёки 32 фоизини аёллар ташкил этди⁸.

Шунингдек, мазкур сайловларда жами 6567 нафар ҚР Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳам сайланди.

2020 йил 16-17 январь кунлари ҚР Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлислари ўтказилди. Қўшма мажлисларда илк маротаба қонунда белгиланган тартиб-таомилларга асосан 84 нафар Сенат аъзолари сайланди⁹.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча жараёнлар қонунчиликда белгиланган муддатларда, эркин ва очиқ, сайлов соҳасидаги миллий қонунчиликка мувофиқ тарзда ўтказилди.

Сайловлар Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини ифода этди ҳамда унинг натижасида қонун чиқарувчи ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг таркиби **даврийлик принципи асосида янгиланиши таъминланди.**

Сайловлар жараёнининг давоми сифатида **Ҳукумат таркиби ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари қайтадан шакллантирилди.**

⁷ Қонунчилик палатасида ЎзЛиДеП – 53 та, “Миллий тикланиш” ДП – 36 та, “Адолат” СДП – 24 та, ХДП – 22 та, Экопартия – 15 та депутатлик ўринларига эга бўлди.

⁸ 2014 йилги сайловларда 24 нафар аёллар Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган.

⁹ Аввалги сайловларда сенаторлар сайлови қонуности ҳужжати, яъни Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган низом асосида амалга оширилган.

II. САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА ҚОНУНЧИЛИГИ

1-боб. Сайлов комиссиялари тизими ва ҳуқуқий мақоми

А. ЎзР МСК ва Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари

ЎзР МСК ЎзР Президенти сайловини, Олий Мажлисга сайловни, шунингдек референдумни ташкил этадиган ва ўтказадиган мустақил конституциявий орган ҳисобланади.

ЎзР МСК ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва бунда мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлилик тамойилларига амал қилади.

ЎзР МСКнинг аъзолари ҚР Жўқорғи Кенгесининг, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг тавсияси бўйича Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади.

ЎзР МСК аъзоларига парламент аъзоларига нисбатан қўлланиладиган дахлсизлик тўғрисидаги қоидалар татбиқ этилади.

ЎзР МСК ва унинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади. Унинг фаолиятига аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

ЎзР МСК аъзолари сони 21 нафарни ташкил этади, уларнинг 7 нафари комиссиянинг қарорига биноан комиссияда доимий асосда ишлайди. ЎзР МСКнинг ишчи органи – Котибият 45 нафар ходимдан иборат.

Муаммо: ЎзР Конституцияси ва Сайлов кодекси билан ЎзР МСКнинг мустақил фаолият юритиши кафолатланган бўлсада, сайлов кампанияси даврида ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ЎзР МСКнинг Ҳукуматдан мустақил эканлигига шубҳа билан қаралган фикрлар мавжудлиги қайд қилинди.

Таклиф: ЎзР МСКнинг мустақиллигини кучайтиришга қаратилган кафолатларни белгилаш, унинг фаолиятида очиқлик ва шаффофликни янада ошириш.

ЎзР МСК томонидан 2019 йил 7 октябрда ҚР Жўқорғи Кенгесининг, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг тақдимномасига биноан Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича 150 та ҳудудий **сайлов округи** тузилди.

Сайлов округларининг чегаралари маъмурий-ҳудудий тузилиш инobatга олинган ҳолда, қоида тариқасида, сайлов округларидаги сайловчилар сонининг йўл қўйиладиган энг кўп четга чиқиши 10 %дан ошмаган ҳолда белгиланди.

ЎзР МСК томонидан 2019 йил 11 октябрда ҚР Жўқорғи Кенгесининг, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари тавсиялари асосида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун 150 та **ОСК** тузилди ва уларнинг 1 612 нафардан иборат шахсий таркиби тасдиқланди.

ОСКлар таркибида 743 нафар (46,1 %) аёллар, 1 455 нафар (90,3 %) ўзбек миллатига ва 157 нафар (9,7 %) бошқа миллатларга мансуб шахслар ўрин эгаллади (сифат таркиби 1-иловада келтирилган).

ОСКнинг аъзоси, бошқа барча даражадаги сайлов комиссиялари аъзолари каби, сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Ушбу қоида сайлов комиссияси аъзоларининг холислигини, ўз фаолиятларини ҳар қандай сиёсий ва ғоявий қарашлардан холи равишда олиб боришини таъминлайди¹⁰. Сиёсий партияларнинг сайлов комиссияларидаги манфаатларини эса уларнинг ваколатли вакиллари ҳимоя қилади.

Тегишли сайлов округларидан сайланган депутатлар ЎзР МСК томонидан рўйхатга олинганидан кейин ОСКлар ўз фаолиятини тугатди.

Б. Қорақалпоғистон Республикаси МСК, вилоят, туман (шаҳар) сайлов комиссиялари

Қорақалпоғистон Республикаси (ҚР) МСК ҚРнинг Конституциясига асосан ҚР Жўқорғи Кенгесига сайловни ташкил этадиган ва ўтказадиган мустақил конституциявий орган ҳисобланади.

ҚР МСК ўз фаолиятида ҚР Конституциясига, ҚРнинг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонунларга амал қилади.

ҚР МСКнинг аъзолари Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларининг тавсияси бўйича ҚР Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади.

ҚР МСК аъзоларига ҚР Жўқорғи Кенгеси депутатларига нисбатан қўлланиладиган дахлсизлик тўғрисидаги қоидалар татбиқ этилади.

ҚР МСК аъзолари сони 17 нафарни ташкил этади, ҚР МСК раиси доимий асосда, аъзолар жамоатчилик асосида фаолият юритади.

ҚР Жўқорғи Кенгесига сайлов ўтказиш учун 65 та сайлов округи тузилди ва 611 нафар ОСК аъзоси тасдиқланди.

Маҳаллий кенгашларга сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун:

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашига сайлов ўтказиш бўйича **вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари;**

Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича **туман ва шаҳар сайлов комиссиялари** тузилади.

Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари тегишли маҳаллий кенгашлар томонидан тузилади ҳамда ўз ваколатларини кейинги сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингунига қадар амалга оширади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссияларининг котиблари доимий асосида фаолият юритадилар.

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига сайлов ўтказиш учун 766 та сайлов округи тузилди ва 7 231 нафар ОСК аъзоси тасдиқланди.

¹⁰ Демократия ва сайловларга кўмаклашиш халқаро институти (<https://www.idea.int/>) томонидан 1998 йилда қабул қилинган “Сайловларни бошқаришда одоб-ахлоқ кодекси” (40 та давлатнинг сайлов органлари томонидан маъқулланган) давлатларни сайлов комиссиялари аъзоларининг партиясизлик ва нейтраллик тамойилига риоя қилишга чақиради.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказиш учун 5 739 та сайлов округи тузилди ва 54 208 нафар ОСК аъзоси тасдиқланди.

Муаммо: Сайловларда Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи ОСКларнинг самарасиз ва ортиқча тузилма эканлиги аён бўлди. Кўп ҳолларда ҳар бир округга 1-3 та участка тўғри келди ва уларнинг сайлов кампаниясидаги фаолияти фақат ушбу участкалар доираси билан чекланди.

Бундан ташқари, ушбу ОСК аъзоларига иш ҳақи тўлаш учун давлат бюджетидан 33,2 млрд. сўм (3,5 млн. АҚШ долл.) маблағ ажратилди.

Таклиф: Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи ОСКларнинг ваколатларини туман ва шаҳар сайлов комиссияларига ўтказиб, уларни тугатиш.

Шунингдек, Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига сайловларни самарали ташкил этиш мақсадида туман ва шаҳар сайлов комиссиялари раислари ёки котибларининг доимий асосида фаолият юритишини йўлга қўйиш.

В. Участка сайлов комиссиялари

Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловини ўтказиш учун Ўзбекистон ҳудудида 10 260 та сайлов участкаси ташкил этилди.

УСКларнинг 111 461 нафар аъзодан иборат таркиби илк бора уч босқичли муҳокамадан сўнг тасдиқланди:

1) комиссия аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилди;

2) таклиф этилган номзодлар Халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашлари мажлисларида муҳокама қилиниб, тасдиқлаш учун тавсия қилинди;

3) тавсия қилинган номзодлар тегишли ОСКлар томонидан муҳокама қилиниб, тасдиқланди.

УСКлар таркибида 54 361 нафар (49,0 %) аёллар, 97 419 нафар (87,7 %) ўзбек миллатига ва 14 042 нафар (12,3 %) бошқа миллатларга мансуб шахслар ўрин олди (сифат таркиби 2-иловада келтирилган).

Сайлов амалиётида илк бор УСК аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас, деган қоида қўлланилди.

Муаммо: Дипломатик ваколатхоналар, ҳарбий қисмлар, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, санаторийлар ва дам олиш уйлари, касалхона ва бошқа стационар даволаш муассасаларининг хусусиятлари ва ички тартиб қоидаларидан келиб чиқиб, ушбу муассасаларда қонун талаби бузилмаган бўлса-да, комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги талабни бажаришда қийинчиликларга дуч келинди.

Таклиф: Ушбу турдаги алоҳида хусусиятга эга сайлов участкаларида УСК аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоида қўллашни истисно этиш зарур.

Шунингдек, 38 та хорижий давлатдаги Ўзбекистоннинг дипломатик ва бошқа ваколатхоналарида 55 та сайлов участкаси ташкил этилди ва улар Тошкент шаҳридаги 12 та сайлов округига бириктирилди¹¹.

2-боб. Сайловга доир қонунчилик

Сайлов тизимининг асослари ЎзР Конституциясида мустаҳкамланган.

2019 йил 26 июнь куни Сайлов кодекси кучга кирганидан сўнг, қонуности ҳужжатлари тўлиқ хатловдан ўтказилди. Хатлов натижасида ЎзР МСКнинг қарорлари билан парламент ва маҳаллий кенгашлар сайловига оид Сайлов кодекси нормаларини амалиётга татбиқ этишга қаратилган 17 та низом ва йўриқнома ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Шунингдек, сайлов жараёнидаги айрим масалалар (масалан, бухгалтерия ҳисоботини юритиш, архивларни шакллантириш ва ш.к.) соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Сайлов кодекси ўзбек, рус, қорақалпоқ ва инглиз тилларида жами 26 минг нусхада чоп этилди ҳамда қабул қилинган барча низом ва йўриқномалар ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (www.lex.uz) жойлаштирилди.

ҚРда сайловлар ҚРнинг “Сайлов тўғрисида”ги қонунига асосан ташкил этилади ва ўтказилади¹².

Сайлов кампанияси даврида жойлардан келиб тушган сўровлар асосида ҳуқуқий бўшлиқларнинг олдини олиш мақсадида ўз вақтида айрим низом ва йўриқномаларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди¹³.

Шунингдек, ЎзР МСК томонидан қуйи сайлов комиссиялари фаолиятига методик раҳбарлик қилишга оид ваколатлари доирасида 41 та намунадаги вилоят, туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссиялари қарорларининг намунавий шакллари ишлаб чиқилди ва жойларга етказилди. Натижада сайлов комиссиялари қарорларини қабул қилишда ягона амалиёт жорий қилинди ва юзага келиши мумкин бўлган хатоликларнинг олди олинди.

Сайловлар даврида сайлов жараёнини тартибга солиш учун етарли норматив-ҳуқуқий база яратилди, вужудга келиши мумкин бўлган ҳуқуқий бўшлиқларнинг ўз вақтида олдини олиш чоралари кўрилди.

¹¹ ЎзР МСКнинг 2019 йил 1 ноябрдаги 971-сон қарори.

¹² Сайлов кодекси қабул қилинганидан сўнг ҚРнинг “ҚР МСК тўғрисида”ги, “ҚР Жўқорғи Кенгесига сайлов тўғрисида”ги ва “Халқ депутатларининг туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунлари бекор қилинди ҳамда 2019 йил 4 сентябрда Сайлов кодексига мослаштирилган ҚРнинг “Сайлов тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

¹³ Масалан, Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом янги 98¹-банд билан тўлдирилди. Бу билан овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги қарордан норози бўлган тарафлар томонидан овозларни қайта санаб чиқиш ҳақида мурожаат қилиш ҳуқуқи ўрнатилди, шунингдек мурожаатни кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш механизми жорий этилди.

III. САЙЛОВОЛДИ ФАОЛИЯТИ

3-боб. Сайловларнинг календар режаси ва амалга ошириш муддатлари

Анъанага кўра сайлов ўтказиладиган йилда ЎзР МСК сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Тадбирлар дастурини ишлаб чиқади ҳамда уни ижрога қаратади.

2019 йилги сайловларни юқори даражада ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида ЎзР МСК томонидан иккита Асосий тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ҳамда қабул қилинди¹⁴.

Мазкур Асосий тадбирлар дастурлари **сайлов жараёнларини қонунда белгиланган муддатларда амалга оширишда**, сайлов кампаниясини изчил ва сифатли ташкил этиш ва ўтказишда, сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқларини тўлақонли руёбга чиқаришда **яхши самара берди**.

4-боб. Сайлов бюджети

Сайловларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан жами **230,5 млрд. сўм** (24,3 млн. АҚШ доллар, ўртача ҳар бир сайловчига 1,18 АҚШ доллар) маблағ ажратилди¹⁵, шу жумладан:

– ҳудудий сайлов комиссиялари, ОСК ва УСК харажатлари учун 120,4 млрд. сўм¹⁶;

– сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштириш учун 46,6 млрд. сўм¹⁷;

– марказлашган тарзда харид қилинадиган моддий қимматликлар ва босма нашрлар учун 63,4 млрд. сўм¹⁸.

Сайлов яқунларига кўра ажратилган маблағлардан **182,9 млрд. сўм сарфланди**, **47,6 млрд. сўм маблағ тежаб қолинди**.

Шунингдек, ҚРнинг республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан сайловларни юқори савияда ўтказиш мақсадида жами 20,4 млрд. сўм маблағ сарфланди.

Сайловларда илк бор:

– ОСК ва УСК аъзолигига жалб этилган фуқароларнинг ҳар бирига иш ҳақи ва компенсация тўлаш учун 78,0 млрд. сўм маблағ ажратилди;

– ҚР Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти давлат томонидан молиялаштирилди¹⁹;

¹⁴ ЎзР МСКнинг 2019 йил 27 майдаги 913-сон қарори билан тасдиқланган “2019 йилда ЎзР Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури” ҳамда 2019 йил 20 сентябрдаги 944-сон қарори билан тасдиқланган “ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловини ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури”.

¹⁵ ЎзР МСКнинг 2019 йил 15 октябрдаги 963-сон қарори.

¹⁶ Ҳудудий сайлов комиссиялари, ОСК ва УСКлар томонидан 98,2 млрд.сўм маблағ сарфланди ва 22,2 млрд.сўм маблағ бюджетга қайтарилди.

¹⁷ Сиёсий партиялар томонидан 40,0 млрд. сўм маблағ ишлатилди ва 6,6 млрд. сўм маблағ бюджетга қайтарилди.

¹⁸ Марказлашган харажатлар учун ажратилган маблағлардан 44,7 млрд.сўми сарфланди, 18,7 млрд.сўми бюджетга қайтарилди.

¹⁹ ҚР Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодларнинг ҳар бирига (4 164 нафар) 2,0 млн сўмдан, туман (шаҳар) кенгаши депутатлигига номзодларнинг ҳар бирига (29 016 нафар) 1,0 млн. сўмдан миқдорда маблағлар ажратилди.

– сиёсий партияларнинг таклифига асосан сайловолди ташвиқоти учун ажратилган маблағларнинг 30 фоизини бевосита номзодлар ҳисобрақамига ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

***Муаммо:** Сайлов комиссиялари раисларининг молиявий қонунчиликни етарли даражада тушунмаслиги, иш ҳақини тўлашда қийинчиликларни юзага келтирди.*

Таклиф:

1) сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар ва аъзоларини ўқитиш бўйича семинар-тренинг дастурларига молиявий қонунчиликни ўргатиш бўйича ўқув соатларини киритиш;

2) сайлов кампанияси даврида туман ва шаҳар сайлов комиссиялари ишига фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ҳисобчиларни жалб қилиш.

Сайлов кампанияси харажатлари давлат бюджети ҳисобидан **етарли миқдорда молиялаштирилди**, сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳар бирига давлат ёки жамият манфаатларига доир бажарган вазифалари учун ҳақ тўлаш орқали **мажбурий меҳнатнинг олди олинди**.

5-боб. Халқаро ҳамкорлик

Сайловларга тайёргарлик кўришда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, БМТнинг Тараққиёт дастури томонидан техник ёрдам кўрсатилди.

Мазкур лойиҳалар доирасида сайлов жараёнининг турли иштирокчилари, хусусан сайлов комиссиялари аъзолари, ОАВ вакиллари, ногиронлар жамиятлари, хотин-қизлар қўмиталари масъул ходимлари, судьялар учун ўқув семинарлари ўтказилди, сайловчиларни хабардор қилиш учун босма ва аудиовизуал ташвиқот материаллари тайёрланди,²⁰ “Saylov2019” мобил иловаси амалга киритилди, кўзи ожиз фуқаролар учун сайлов бюллетенларига мосланган Брайль ёзувидаги трафаретлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилган тадбирлар сайлов комиссиялари аъзолари ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиларига сайловлар бўйича халқаро стандартлар ва илғор амалиёт билан танишиш имконини берди ва ташкил этилган ўқув тренинглари иштирокчилар томонидан ижобий баҳоланди. Бу эса халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш Ўзбекистонда инклюзив сайловларни ўтказишга ва сайлов жараёни иштирокчиларининг малакасини янада оширишга хизмат қилишини кўрсатади.

Халқаро ҳамкорликни давом эттириш мақсадида БМТнинг Тараққиёт дастури билан 2020-2021 йилларга мўлжалланган лойиҳани (бюджети 3 млн. АҚШ долл.) амалга оширишга келишиб олинди.

Сайлов қонунчилиги ва амалиётини халқаро андозалар асосида ва замонавий ривожланиш тенденцияларига ҳамоҳанг равишда доимий такомиллаштириб бориш мақсадида БМТнинг Тараққиёт дастури ва

²⁰ Ташвиқот материаллари темир йўл, ҳаво ва шаҳар йўловчи транспортда жойлаштирилди, шунингдек метро ва телеканалларда намойиш этилди.

ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координаторидан ташқари, **сайловлар масаласига ихтисослашган халқаро ташкилотлар**, жумладан Венеция комиссияси, Демократия ва сайловларга кўмаклашиш халқаро институти, Сайлов тизимлари Халқаро жамғармаси, Парламент тадқиқотлари халқаро маркази каби ташкилотлар билан ҳам **ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.**

IV. САЙЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

6-боб. Сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштироқи. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш

Сиёсий партияларнинг фаолияти ЎзР Конституцияси, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек бир қатор қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинган пайтда 5 та сиёсий партия, хусусан ЎзЛиДеП, “Миллий тикланиш” ДП, ХДП, “Адолат” СДП ва Экопартия Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган бўлиб, улар турли сиёсий ғоя ва қарашларни илгари суради.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида 4 ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган ва ўзининг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида 40 000 сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин²¹.

2019 йил 20 сентябрдан сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинганидан сўнг ЎзР МСК 2019 йил 24 сентябрда 5 та сиёсий партиянинг ваколатли вакиллари рўйхатга олди ва уларнинг ҳар бирига етарли миқдорда имзо варақалари бланкаларини тақдим этди.

2019 йил 10 октябрда сиёсий партиялар томонидан 40 мингта, қўшимча 10 фоизи билан, жами 44 мингтадан имзо тақдим этилди.

ЎзР МСКнинг қарори²² билан имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини текширувчи иккита эксперт гуруҳлари тузилди. Эксперт гуруҳларининг хулосалари асосида ЎзР МСК томонидан 2019 йил 15 октябрда сиёсий партияларга сайловда иштирок этишга ижозат берилди.

2019 йил 11 ноябрда барча сиёсий партиялардан кўрсатилган 750 нафар Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхатга олинди²³ (сифат таркиби 3-иловада келтирилган). Сайлов кунига қадар 6 нафар номзод ўз аризасига кўра номзодлик мақомидан воз кечди. Сайловга қўйилган номзодларнинг жами сони 744 нафарни ташкил этди.

***Муаммо:** Сайлов кодексига асосан номзод исталган вақтда номзодликдан воз кечиши мумкин. Бундай ҳолда, сайлов бюллетенлари босиб чиқарилгандан сўнг, номзод ўз мақомидан воз кечган тақдирда сайлов бюллетенларига қандай*

²¹ Сайлов кодексининг 68-моддаси.

²² Марказий сайлов комиссиясининг “Сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текширувчи эксперт гуруҳларини тузиш тўғрисида”ги 2019 йил 7 октябрдаги 955-сон қарори.

²³ ЎзР МСКнинг 2019 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида”ги 984-сон қарори.

тартибда ўзгартириш киритиш кераклиги ёки чиқиб кетган номзодга муддатидан олдин берилган овозлар қандай тақсимланиши ёки бекор қилиниши тартиби Сайлов кодексига белгиланмагани сабабли ушбу масалада ҳуқуқий бўйлиқнинг олдини олиш мақсадида ЎЗР МСКнинг тегишли қарорлари қабул қилинди²⁴.

Таклиф: Сайлов кодексига номзоднинг номзодликдан воз кечиш муддатларини белгилаш.

Шунингдек, тегишли сайлов комиссиялари томонидан ҚР Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари депутатлигига 4 155 нафар ҳамда Халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашлари депутатлигига 28 601 нафар номзод рўйхатга олинди (сифат таркиби 4а ва 4б-иловаларда келтирилган).

Муаммо: ЎЗР Конституциясининг 117-моддасида ЎЗР фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Бир номзод бир вақтнинг ўзида 2 та маҳаллий вакиллик органи депутатлигига номзод этиб кўрсатилган ҳолатларда, унинг сайловолди тарғиботини олиб бориш, учрашувлар ўтказиш билан боғлиқ муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига бир қатор сўровлар келиб тушиди.

Таклиф: ЎЗР Конституциясининг 117-моддасига бир номзод фақат битта сайлов округидан ва битта маҳаллий вакиллик органига сайланиши мумкинлиги тўғрисида қондани ўрнатилиши.

Турли даражадаги сайлов комиссиялари томонидан сиёсий партияларнинг 54 551 нафар ваколатли вакили ҳамда номзодларнинг 79 345 нафар ишончли вакили рўйхатга олинди. Уларнинг эркин фаолият юритиши ва ўз ваколатларини амалга ошириши учун тегишли шарт-шароитлар яратилди.

7-боб. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ва сайловчиларни рўйхатга олиш жараёни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори²⁵ асосида АКТ вазирлиги билан ҳамкорликда Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (СЖБАТ) ишлаб чиқилди.

СЯЭРни шакллантириш борасида тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари билан 2018 йилнинг ноябрь ойидан 2019 йилнинг апрелига қадар уйма-уй юриб 33,0 миллиондан зиёд фуқаро хатлови ўтказилди. Фуқароларнинг паспорт маълумотлари 7,0 миллионга яқин кўчмас мулк объектининг кадастр рақамларига боғлаб чиқилди. Натижада 20,5 миллиондан зиёд сайловчининг ягона электрон рўйхати шакллантирилди ва автоматик равишда сайлов участкаларига тақсимланди. Уларнинг долзарблигини таъминлаш мақсадида идоралараро ҳимояланган тармоқ ташкил этилиб, маълумотларнинг алмашинуви йўлга қўйилди. Сайлов кампанияси даврида ҳам

²⁴ ЎЗР МСКнинг 2019 йил 17 декабрдаги 1011-сон ҳамда 2019 йил 20 декабрдаги 1014-сон қарорлари.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 октябрдаги “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3961-сон қарори.

сайловчилар рўйхатига аниқлик киритиш мақсадида такроран уйма-уй юриб фуқаролар хатлови ўтказилди.

Юқори миграция шароитида сайловчининг тегишли сайлов округига бириктириш ва “Бир сайловчи – бир овоз” қондасини амалда қўллашни таъминловчи тизимни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, бундай тизим фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришда ўзи сайлаган вакиллари орқали иштирок этиш ва сайловларда қатнашишга оид муҳим сиёсий ҳуқуқларини чеклашга олиб келмаслиги керак. Зеро бундай ҳуқуқ Конституцияда мустаҳкамланган бўлиб, ўрнатилган чекловга нисбатан устуворликка эга.

Шу нуқтаи назардан, фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларини қатъий рўёбга чиқариш ва кўп марта овоз беришнинг олдини олишга қаратилган МСКнинг махсус қарори²⁶ қабул қилинди ва УСК аъзоларига ўз вақтида етказилди.

Барча сайлов комиссиялари тўғрисидаги ҳамда уларнинг комиссия аъзолари ҳақидаги маълумотларни жамлайдиган ва уларни қайта ишлаш имкониятига эга бўлган СЖБАТ дастури яратилди ва унга 6 700 дан ортиқ сайлов округи, 10 260 та Ўзбекистон ҳудудидаги ва 55 та хорижий давлатларда ташкил этилган сайлов участкалар, сайлов комиссияларининг 170,0 минг нафардан ортиқ аъзолари ҳақидаги маълумотлар киритилди.

Шунингдек, МСКнинг веб-сайтида “Ўзингизни сайловчилар рўйхатидан топинг” хизмати йўлга қўйилди ва сайлов кампанияси даврида ушбу хизматдан 110 мингдан зиёд фуқаро фойдаланди.

СЯЭРдан фойдаланиш юзасидан услубий видеоролик ва йўриқномалар ишлаб чиқилди ҳамда улар “Saylov2019” мобил дастурига жойлаштирилди.

СЖБАТда ишлаш кўникмаларини ошириш мақсадида тасдиқланган график асосида (схема 5-иловада келтирилган) “каскад” усулида ўқитиш ишлари амалга оширилди. Натижада, республика даражасидаги 30 нафар тренер, 2 200 нафардан зиёд ҳудудий тренер ва сайлов участкаларидаги 34 000 нафардан ортиқ операторга СЖБАТда ишлаш ҳуқуқлари берилди.

Синов тариқасида СЯЭРдан фойдаланишда 20 та сайлов участкасида 60 та биометрик маълумотларни ўқувчи қурилмалар, 60 та сайлов участкасида 120 та кузатув видеокамераси ўрнатилди²⁷.

Синов натижалари:

1) Биометрик паспорт ўқиш қурилмаси интернет алоқаси юқори тезлигига (2 Мбит/с) уланганига қарамаздан, шахсни идентификация қилиш вақти ҳар бир сайловчи учун 3-4 дақиқани ташкил этди ва бу ҳолат ўз навбатида, сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхатдан ўтишга ва бюллетень олишида тирбандликни юзага келтирди. Сайловчиларнинг шахсни идентификация қилувчи воситалар (ID-карталар)га эга эмаслиги ҳам ушбу муаммо юзага келганининг сабабларидан бири бўлди.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14 ва 16-моддалари ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 3 декабрдаги “Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан фойдаланишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 994-сон қарори.

²⁷ Сайлов куни овоз бериш жараёни тўғридан-тўғри Марказий сайлов комиссиясининг веб-сайтига, Халқаро матбуот марказидаги катта экранга ҳамда “Ўзбекистон24” телеканалига узатиб борилди.

2) 60 та сайлов участкасида кузатув камералари ўрнатилгани ва улардаги овоз бериш жараёни Ҳалқаро матбуот марказида, ЎзР МСКнинг расмий веб-сайтида ва “Ўзбекистон24” телеканалида реал вақтда намоёни этилгани натижасида ушбу сайлов участкаларида қонун бузилиши юзасидан муурожаатлар келиб тушмади.

Таклиф:

1) ЎзР фуқаролари шахсни идентификация қилувчи воситалар (ID-карталар) билан тўлиқ таъминланганидан сўнг келгусидаги сайлов жараёнларида биометрик ҳужжатларни ўқувчи қурилмаларни жорий этиши;

2) Навбатдаги сайловларда кузатув камераларини алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик доирасидаги сайлов участкаларига пилот лойиҳа тариқасида киритиши.

8-боб. Сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш

А. Сайловларда кузатувчиларнинг иштироки

МСК томонидан ЕХХТ ДИИХБдан 273 нафар, ЕХХТ Парламент Ассамблеясида 66 нафар, ШХТдан 20 нафар, МДХ Ижроия қўмитаси ва МДХ Парламентлараро Ассамблеясида 182 нафар, Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик кенгашидан 9 нафар, Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеясида 5 нафар, шунингдек Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Ҳалқаро ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси, хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналаридан 50 га яқин хорижий давлатдан жами 825²⁸ нафар халқаро (хорижий) кузатувчилар аккредитациядан ўтказилди ва сайловларни кузатиб борди.

Булардан ЕХХТ Парламент Ассамблеяси, МДХ Парламентлараро Ассамблеяси, Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик кенгаши ва Парламент Ассамблеяси миссиялари Ўзбекистонда илк бор сайловларни кузатишда иштирок этди. Шунингдек, парламент сайловларини кузатишда илк мартаба ЕХХТ ДИИХБнинг тўлақонли миссияси иштирок этди.

Сайловларда иштирок этган бешта сиёсий партиянинг 59 894 нафар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг 10 260 нафар кузатувчиси илк бор сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнини бевосита кузатиб борди.

Янги амалиёт – халқаро кузатувчилар ҳамда Тошкент шаҳридаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кузатувчилари ЎзРнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарида ташкил этилган сайлов участкаларида сайлов жараёнларини кузатиб борди²⁹.

²⁸ Парламент сайловларида 2004 йилда 171 нафар, 2009 йилда 241 нафар, 2014 йилда 331 нафар, Президент сайловларида 2007 йилда 249 нафар, 2015 йилда 296 нафар, 2016 йилда 555 нафар (шу жумладан ЕХХТ ДИИХБнинг 192 нафар кузатувчидан иборат тўлақонли миссияси) халқаро ва хорижий кузатувчилар иштирок этган.

²⁹ Россия, Молдова, Озарбайжон ва Қирғизистонда Қонунчилик палатаси сайловлари ўтказилишини кузатишда МДХ Парламентлараро Ассамблеяси вакиллари, Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Қозон, Екатеринбург, Ростов-Дон, Новосибирск,

Муаммо: Манфаатдор ташилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида сайлов комиссияларига сайловдан камидан 15 кун олдин ариза билан маълум қилишлари лозим³⁰. Сайловларда ушбу муддат (7 декабрь) ўтганидан кейин ҳам хорижий давлатлар ва халқаро ташилотлар вакилларидан кузатувчи сифатида қатнашиши истагини билдирилган мурожаатлар келиб тушди.

Таклиф: Хорижий давлатлар ва халқаро ташилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисида МСКга ариза билан мурожаат қилиши муддатини 10 кунга қадар қисқартириши.

Б. Сайловларда ОАВнинг иштироки

Сайловларнинг очик ва ошкора олиб борилишини таъминлаш мақсадида МСК томонидан бир қатор ОАВ билан ҳамкорлик келишувлари имзоланди³¹.

Сайлов кампаниясини тегишли сайлов комиссияларида аккредитациядан ўтган миллий ва хорижий ОАВнинг 1 155 нафар вакили бевосита ёритиб борди.

Сайлов кампаниясини ОАВда ёритиб бориш, кенг жамоатчиликни сайлов жараёнлари тўғрисида тезкор ва холисона хабардор қилиш мақсадида МСКнинг Халқаро матбуот маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди³² (тузилмаси б-иловада келтирилган).

МСКнинг Халқаро матбуот маркази билан ҳамкорликда 28 марта 150 дақиқалик “Press-coffee” ҳамда 7 марта 30 дақиқалик “Пресс-брифинг” жонли эфирда “Ўзбекистон24” телеканали орқали намойиш этилди.

Халқаро матбуот маркази ташкил этилган барча тадбирлар, жумладан, МСКнинг йиғилишлари, турли даражадаги сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, вазирликлар, ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари, элчихоналар, халқаро кузатувчиларнинг миссиялари, илмий марказлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган учрашувлар, матбуот-конференцияларини “Ўзбекистон24”, “Ёшлар”, “Маҳалла”, “Тошкент”, “МУ5”, “Ўзрпорт” теле ва радиоканаллари ҳамда @IPCElection2019 расмий Фейсбук саҳифаси орқали жонли эфирга узатиб борилди.

Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси ва унга аъзо 50 дан ортиқ телерадиостанция томонидан “Демократик дебат” ток-шоусининг 26 та сони жонли эфирга узатилди.

МСКнинг ташаббуси билан 20 октябрдан 20 ноябрга қадар илк бор **“Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги”** ташкил этилди ва унинг доирасида 50 мингдан ортиқ турли тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди³³.

Владивосток шаҳарлари, Қозоғистоннинг Нур Султон, Алмата, Оқтау шаҳарларига жами 11 нафар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этди.

³⁰ Сайлов кодексининг 33-моддаси

³¹ Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА, “Дунё” ахборот агентлиги, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси, “Uzreport” ахборот агентлиги билан келишувлар.

³² ЎзР МСКнинг 2019 йил 11 сентябрдаги 931-қарори.

³³ Масалан, мазкур ойлик учун асосий масъул этиб белгиланган Адлия вазирлиги тизимида амалга оширилган “Адлия чорлови” мавзудаги лойиҳанинг ижросига жами 454 нафар адлия ходими сафарбар этилди. Лойиҳа доирасида аҳоли гавжум жойларда тарғибот тадбирлари уюштирилди, оммавий ахборот воситаларида мақола ва чиқишлар килинди, сайловга чорловчи ижтимоий рекламалар, баннерлар ва билбордлар жойлаштирилди, вазирликнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва “Ҳуқуқий ахборот” телеграм каналида “Сайлов алифбоси” рунки ташкил этилиб, сайловга оид тушунчалар ва изоҳлар мунтазам бериб борилди.

МСКнинг расмий веб-сайти (elections.uz) модернизация қилиниб, унга ўзбек тилида 3 800 дан зиёд, рус тилида 2 400 га яқин, инглиз тилида 350 дан ортиқ материал жойлаштирилди.

МСК томонидан тақдим этилган 32 та ролик 7 200 маротаба, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги томонидан тайёрланган 35 та ролик 3 000 маротаба барча нодавлат телеканалларида эфирга узатилди.

Умуман олганда, ЎЗР АОКА маълумотида кўра сайлов кампанияси даврида ОАВ, ижтимоий тармоқларда сайловларга бағишланган 42 мингдан ортиқ, жумладан, 4 мингга яқин танқидий руҳдаги чиқишлар қайд этилди.

Сайловларнинг очик ва шаффоф ўтказилиши таъминлангани, сайловларни ёритишда ОАВ ва блогерларнинг фаол иштироки сайлов жараёнида содир этилган айрим қонунбузилиш ҳолатларини аниқлашга ёрдам берди ва улар бўйича қонунда белгиланган чоралар кўрилишига имконият яратди.

9-боб. Сайловолди ташвиқоти

Сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охири куннинг эртасидан эътиборан бошланади. Сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида ташвиқотга йўл қўйилмайди³⁴. Шунга мувофиқ, сайловолди ташвиқоти 2019 йил 18 ноябрдан 20 декабрга қадар давом этди.

Сайловолди ташвиқоти даврида барча сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари учун сайловчилар билан учрашувлар, митинглар, баҳслар, дебатлар, матбуот конференциялари, фуқароларнинг йиғилишлари, интервьюлар, ОАВда чиқишлар, плакатлар, роликлар, баннерларни жойлаштириш учун тенг имкониятлар яратилди.

Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш фақат ана шу мақсадлар учун ажратиладиган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Сиёсий партияларни сайловда бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ва моддий жиҳатдан ўзгача тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади³⁵.

Шундан келиб чиқиб, сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 46,6 млрд.сўм ажратилди. Хусусан, ажратилган маблағларнинг бир номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори қуйидагича белгиланди:

- Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар учун – 10 млн. сўмдан;
- ҚР Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига номзодлар учун – 2,0 млн сўмдан;
- туман (шаҳар) кенгаши депутатлигига номзодлар учун – 1,0 млн. сўмдан.

Сиёсий партияларнинг таклифига биноан сайловолди ташвиқоти учун ажратилган маблағларнинг 30 % бевосита номзодлар ҳисобрақамига ўтказилди.

³⁴ Сайлов кодексининг 44-моддаси.

³⁵ ЎЗРнинг “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддаси

ЎзР МСКга сиёсий партиялар сайловда давлат бюджетидан ажратилганидан бошқа маблағлардан қонунга зид тарзда фойдалангани ёки ўзгача тарзда қўллаб-қувватлангани тўғрисида маълумотлар келиб тушмади.

Сиёсий партиялар билан келишган ҳолда уларга **ОАВда** ҳажмига кўра бир хил эфир вақти ва нашр майдони ажратилди³⁶. Хусусан, партия ва номзодлар «Ўзбекистон24», «Ўзбекистон», «Ёшлар», «Маҳалла» телеканаллари ҳамда «Ўзбекистон», «Ёшлар» радиоканалларида ҳафтанинг беш куни мобайнида 30 дақиқадан ўз дастурлари ташвиқотида фойдаланди. Шанба кунлари (5 маротаба) «Ўзбекистон24» телеканали орқали жами 90 дақиқа давом этган партиялараро дебатлар ўтказилди. Жонли эфирда ўтказилган дебатлар 8 та марказий ва 12 та ҳудудий теле ва радиоканаллар орқали трансляция қилинди.

Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси ва унга аъзо 50дан ортиқ телерадиостанция томонидан сайлов тарғиботи бўйича жами 5 890 дан ортиқ телерадио маҳсулот тўғридан-тўғри эфирга узатилди.

Сиёсий партиялар “Халқ сўзи” (ўзбек тилида), “Народное слово” (рус тилида), “Правда Востока” (рус тилида), “Овози тожик” (тожик тилида) ва “Нурлы жол” (қозоқ тилида) газеталаридан жами 25 саҳифа – нашр майдонидан сайловолди ташвиқотида бепул фойдаланди.

Умуман олганда, ОАВда, Интернет саҳифаларида ва ижтимоий тармоқларда сиёсий партиялар ва уларнинг номзодларига оид жами 141 952 та ташвиқот материаллари эълон қилинди.

Кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини тарқатиш учун барча туманлар ва шаҳарлар бўйлаб ҳар бир партия учун 225 донадан жами 1 120 та ташқи реклама воситалари, шунингдек ташвиқот роликларини жойлаштириш учун 70 та электрон монитор бепул ажратилди.

Муаммо: ЎзР МСК томонидан тенгликка риоя қилган ҳолда сиёсий партияларга ташқи реклама воситалари ва электрон мониторларни бепул ажратиш амалиёти партия ва номзодлар томонидан сайловолди ташвиқоти тадбирларининг ўхшашлиги ва бир хиллигига сабаб бўлмоқда.

Таклиф: Навбатдаги сайловларда ушбу амалиётдан воз кечиш орқали сайловолди ташвиқотининг хилма-хиллигига имкон яратиш.

Сиёсий партияларнинг маълумотига кўра, депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари томонидан **сайловчилар билан** жами 42 мингдан ортиқ **учрашув** ўтказилди. Шунингдек, сайлов кампанияси даврида жойларда 1 325 та митинглар ўтказилди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга тенг шартларда жиҳозланган хоналар бепул тақдим этилди.

³⁶ МСКнинг 2019 йил 12 ноябрдаги 977-сон қарори.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш оммавий тадбирлар тоифасига кириб, амалдаги тартибга³⁷ кўра уларни ўтказиш учун ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан рухсатнома берилади.

Сайловолди ташвиқоти даврида партия ва номзодларга кенг имкониятлар бериш мақсадида ЎзР МСК томонидан ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига рухсатнома бериш тўғрисидаги аризаларини имкон қадар қисқа муддатларда кўриб чиқиш ва ягона рухсатнома бериш тавсия этилган эди. Сайловолди ташвиқоти даврида ЎзР МСКга сиёсий партиялар ва номзодлардан сайловчилар билан учрашувларда маҳаллий ҳокимлик идоралари томонидан тўсқинлик бўлаётгани тўғрисида хабарлар келиб тушмади.

Муаммо: Сайлов кодексига биноан сайлов комиссияларининг депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишига кўмаклашиш, учрашув жойи ва вақти ҳақида сайловчиларни аввалдан хабардор қилишга оид вазифалари мустаҳкамланган³⁸.

Бу вазифалар сайлов комиссиялари ваколатларига хос бўлмай, сиёсий партиялар ва номзодларнинг тенглиги тамойилини бузилишига олиб келиши мумкин. Айниқса, сайлов кампанияси авжига чиққан пайтида сайлов комиссиялари аъзолари ўзига хос бўлмаган сиёсий партиялар ва номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этиши билан банд бўлади.

Таклиф:

1) сайлов комиссияларининг депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишига кўмаклашиш, учрашув жойи ва вақти ҳақида сайловчиларни олдиндан хабардор қилишга оид вазифаларини бекор қилиш;

2) сиёсий партиялар ва номзодлар томонидан сайловчилар билан учрашувлар каби оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсат бериш тартиб-таомилини бекор қилиб, учрашув жойи ва вақти тўғрисида сиёсий партия ва номзодлар томонидан маҳаллий ҳокимлик идораларини олдиндан хабардор қилиш тартибини ўрнатилиши.

Сайловолди ташвиқоти даврида мониторинг ва қонунларга риоя этилиши устидан назорат округ сайлов комиссиялари, АОКА (босма ва электрон ОАВда), шунингдек ўз ваколатлари доирасида прокуратура ва ички ишлар идоралари томонидан олиб борилди.

Мониторинг ва назорат тадбирлари натижасида сиёсий партиялар ва номзодлар томонидан сайловолди ташвиқоти сайлов кунига яқин қолганда кучайтирилгани қайд қилинди ҳамда Қонунчилик палатасига сайловлар бўйича **сайловолди ташвиқоти қоидаларининг бузиш ҳолатлари аниқланмади.**

Шу билан бирга, 3 та ҳолатда маҳаллий кенгаш депутатлигига номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари томонидан Сайлов кодексининг 44-моддасига зид равишда ташвиқотни сайловчиларга имтиёзли шартларда товарлар бериш,

³⁷ Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 205-сон қарори

³⁸ Сайлов кодексининг 22 ва 48-моддалари.

хизматлар кўрсатиш билан қўшиб олиб боргани аниқланган ва улар тегишли маъмурий жавобгарликка тортилган³⁹.

10-боб. Сайлов жараёнида аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг иштироки

А. Сайлов жараёнида аёлларнинг иштироки

Сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатишда аёлларнинг сони номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини ташкил этиши керак⁴⁰.

Номзодлар кўрсатиш жараёнида сиёсий партиялар томонидан мазкур талабга риоя қилинди. Хусусан, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар орасида аёллар 41,6%ни (744 нафардан 310 нафари) ташкил этди⁴¹.

Сайлов якунларига кўра, парламентнинг қуйи палатасига 48 нафар аёл депутат этиб сайланди (депутатлар умумий сонининг 32%)⁴², юқори палатаси (Сенат)дан эса 24 нафар аёл (24%) ўрин олди⁴³.

Ҳозирги пайтда Олий Мажлиснинг ҳар иккала палатаси аъзоларининг 29,1 % ини аёллар ташкил этади (248 парламент аъзосидан 72 нафари). Ушбу рақам дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан 4,9% юқоридир (2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, турли давлатлардаги миллий парламент аъзолари орасида аёллар улуши 0%дан 61,3 % гача бўлган, ўртача кўрсаткич 24,2 %ни ташкил этган).⁴⁴

Шунингдек, ҚР Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига янги сайланган депутатларнинг 247 нафари (30%), туман ва шаҳар кенгашларида – 1 422 нафари (25%) аёллардир⁴⁵.

Шунингдек, Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи ОСКларнинг таркибида аёллар 743 нафар (46,1%)ни, УСКларнинг таркибида 54 361 нафар (49,0%)ни ташкил этди⁴⁶.

СЯЭРга киритилган сайловчиларнинг ярмидан кўпини (10 млн. 355 минг нафар) аёллар ташкил этди. Шу нуқтаи назардан, сайлов жараёнида аёлларнинг ҳуқуқий маданияти ва сайлов фаоллигини ошириш зарурати пайдо бўлди.

Шу мақсадда 2019 йилнинг март ойида ЎзР МСК ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида хотин-қизларнинг сайловларда иштирок этиш бўйича конституциявий ҳуқуқини амалга оширишни таъминлашга қаратилган келишув имзоланган.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда 2019 йил ноябрь ойида “Парламент ва маҳаллий сайловларда

³⁹ Сайлов кодекси 44-моддасининг бузилиши Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига 38-Олмасор сайлов округида, Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгаши депутатлигига 32-Исфархон сайлов округида, Халқ депутатлари Кува туман кенгаши депутатлигига 11-Жалаер сайлов округида қайд этилган.

⁴⁰ Сайлов кодексининг 70-моддаси

⁴¹ 2014 йилги парламент сайловларида ушбу кўрсаткич 31,8% ни ташкил этган.

⁴² 2014 йил сайлов якунлари бўйича ушбу кўрсаткич 16,0% (24 нафар)ни ташкил этган.

⁴³ 2014 йилда 19% (19 нафар) аёл

⁴⁴ БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш ҳомийлигида чақирилган Барқарор ривожланиш бўйича юқори даражадаги сиёсий форум // Махсус нашр: Барқарор ривожланиш соҳасида мақсадларга эришиш ютуқлари. БМТ Бош қотибининг маърузаси, 2019 йилги сессияси (2018 йил 26 июль – 2019 йил 24 июль) кун тартибининг 5 а) ва 6 бандлари.

⁴⁵ 2014 йилда ушбу кўрсаткич тегишинча 23,5% ва 22%ни ташкил этган.

⁴⁶ 2014 йилда аёллар тегишлича округ сайлов комиссиялари таркибида 307 нафар (20,9 %)ни, участка сайлов комиссиялари таркибида 36 534 нафар (43,8%)ни ташкил этган.

аёлларнинг иштирокини ошириш стратегиялари” мавзусида ўқув семинарлари ташкил этилди⁴⁷.

Марказий сайлов комиссияси ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда тайёрланган аёлларнинг электорал фаоллигини оширишга қаратилган босма ва аудиовизуал ташвиқот материаллари маҳаллаларда, аҳолининг ўқиш ва иш жойларида кенг тарқатилди, телевидение, темир йўл ва ҳаво транспортида, шаҳар йўловчи транспорти ва бекатларда намойиш этилди.

***Таклиф:** Сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари учун ажратилган бепул эфир вақти доирасида аёллар (номзодлар, ишончли вакиллар, партия намоёндалари) учун алоҳида квотани жорий этиш.*

Б. Сайлов жараёнида ёшларнинг иштироки

СЯЭРга киритилган сайловчиларнинг 7 162 316 нафари ёки 34,7 фоизини 30 ёшгача бўлган шахслар, яъни ёшлар ташкил этди, шундан 2 млн.га яқин 18 ёшга тўлган фуқаролар илк марта сайловда иштирок этди.

Сайлов жараёнларида ёшларнинг ролини ошириш, уларнинг мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисини кучайтириш ва сайловларда иштирок этишини тарғиб қилиш мақсадида ЎЗР МСК томонидан 2019 йил 28 июнь куни Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан ҳамкорлик келишуви имзоланди.

Келишув доирасида “Ёш сайловчи 2019” республика семинари⁴⁸, “Мен сайловга тайёрман” мавзусида ёшлар ўртасида ҳуқуқий танлов⁴⁹, “Ёш сайловчи” мавзусида ёшлар форуми⁵⁰, “Менинг биринчи овозим” лойиҳаси доирасида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий викторина каби бир қатор тадбирлар ўтказилди, шунингдек, “Овоз беришга тайёрман” ва “Сайловлар ҳақида суҳбатлар” мавзусидаги қўлланмалар чоп этилиб, ёшлар орасида тарқатилди.

Шунингдек, ёшлар сайлов комиссиялари таркибидан ҳам муносиб жой олди. Хусусан Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи ОСК аъзоларининг 144 нафарини (8,9%) ҳамда УСҚлар аъзоларининг 20 394 нафарини (18,4%) 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этди.

Бундан ташқари, сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига 30 ёшгача бўлган 14 нафар ёш номзод кўрсатилган бўлса, уларнинг 9 нафари ёки 64,2 % депутат этиб сайланди.

Худди шундай, ҚР Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига эса 159 нафар ёш номзоддан 26 нафари, Халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашларига кўрсатилган 2 989 нафар ёш номзоддан 291 нафари депутат этиб сайланди.

⁴⁷ Ўқув семинарлари Ўзбекистон Хотин-қизлари қўмитанинг масъул ходимлари, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги хотин-қизлар қўмиталари раислари, Аёллар учун реабилитация ва мослашув марказлари, аёлларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ННТлар, шунингдек, Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмиталари вакиллари учун ташкиллаштирилди.

⁴⁸ МСК Раиси М.Абдусаломов иштирокида 28-30 октябрь 2019 йилда Тошкент вилояти Бўстонлик туманида “Ёшлар оромгоҳида” ўтказилди.

⁴⁹ Бир неча босқичда ўтказилган ҳуқуқий танловнинг туман, шаҳар ва ҚР, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар босқичларида 450 мингдан ортиқ ёшлар иштирок этди.

⁵⁰ Форумда 10 300дан ортиқ ёшларнинг бевосита иштироки таъминланди.

В. Сайлов жараёнида ногиронлиги бўлган шахсларнинг иштироки

Сайловчилар рўйхатига жами 630 мингдан зиёд ногиронлиги бўлган шахс, шу жумладан, 61 мингга яқини кўзи ожиз фуқаро киритилди⁵¹. Шу нуқтаи назардан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рўёбга чиқарадиган инклюзив сайловларни ўтказиш масаласи долзарб вазифага айланди.

Шу мақсадда, МСК томонидан 2019 йил 27 сентябрь куни Ўзбекистон Ногиронлар, Кўзи ожизлар ва Карлар жамиятлари билан ҳамкорлик тўғрисида келишувлар имзоланди.

МСК томонидан сайлов комиссиялари таркибига ногиронлиги бўлган шахсларни киритиш юзасидан тавсиялар берилди. Натижада, Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи ОСКларнинг таркибида 57 нафар (3,5%), ҚР Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи ОСКларнинг таркибида 244 нафар (3,1%), туман, шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи ОСКларнинг таркибида 1 516 нафар (2,8%) ва УСКлар таркибида 2 341 нафар (2,1%) ногиронлиги бўлган шахслар фаолият юритдилар.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга доир МСКнинг алоҳида қарори қабул қилинди⁵² ва унга асосан **“Сайловларда тенг имкониятлар!”** шиори остида сайловларни ташкил этиш борасидаги ташаббус маъқулланди.

Мазкур ташаббус доирасида деярли барча сайлов участкалари ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус жиҳозланган овоз бериш кабиналари, пандуслар билан таъминланди ва бино ичида эркин ҳаракатланиш учун шароитлар яратилди, ногиронлиги бўлган сайловчиларнинг турган жойларида овоз бериш ташкил этилди, сайловолди ташвиқотига оид телекўрсатувлар имо-ишора тили ва субтитр ёзувида бериб борилди.

Сайлов бюллетенларига мосланган Брайль ёзувидаги уч хил шаклдаги трафаретлар⁵³ ишлаб чиқилиб, сайлов участкаларига етказилди.

Муаммо: Брайль алифбоси асосида тайёрланган уч турдаги трафаретларда, унинг ичига солинадиган сайлов бюллетени қайси сайловга оидлиги ҳақида ёзув билан чекланган ва тегишли округ бўйича номзодлар ҳақида маълумотлар кўрсатилмаган. Номзодлар ҳақидаги маълумотлар УСК аъзолари томонидан оғзаки равишда таништирилиши лозимлиги ҳақидаги тартиб айрим кўзи ожиз сайловчиларнинг эътирозларига сабаб бўлди.

Сайловлар бир мандатли сайлов округлари бўйича ўтказилиши сабабли, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайлов бўйича барча округ бўйича жами 6 720 хил сайлов бюллетенлари чоп этилди ва айнан шу миқдорда Брайль алифбоси асосидаги трафаретлар нашр қилиниши мақсадга мувофиқ деб топилган эди.

⁵¹ Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг маълумотига асосан.

⁵² ЎзР МСКнинг 2019 йил 23 июлдаги 926-сон қарори.

⁵³ Қонунчилик палатаси, ҚР Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳамда туман, шаҳар кенгашларига сайловлар бўйича сайлов бюллетенларига мосланган трафаретлар.

Бироқ, сайлов кампаниясидаги муддатлар ва махсус трафаретлар ишлаб чиқарувчи корхоналар чекланганлиги сабабли, 6 720 та ҳар бири турлича мазмунда, депутатликка номзодлар ҳақидаги аниқ маълумотлари кўрсатилган Брайль алифбоси асосидаги сайлов бюллетенларини чоп этиши имкони йўқ эди.

Таклиф:

1) Сайловларда тенг ҳуқуқлилиқ таъминлаш мақсадида кўзи ожиз сайловчилар учун яширин овоз бериш кабиналарида номзодлар ҳақидаги маълумот билан таништирувчи аудио қурилма ўрнатиш;

2) Брайль алифбоси асосидаги трафаретларни такомиллаштириш.

11-боб. Сайлов комиссиялари аъзоларини ўқитиш

ЎзР МСК томонидан Сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларнинг ўқишини ташкил этиш концепцияси ва Концепцияни амалга ошириш бўйича тадбирлар схемаси тасдиқланди⁵⁴.

Концепция ижросини таъминлаш мақсадида ЎзР МСК ва ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (ДБА) билан ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Меморандум доирасида ДБА базасида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичларини қамраб олган ва 12 модулдан иборат бўлган семинар-тренинг дастури ҳамда тингловчилар учун ишчи дафтарлар ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида тайёрланди. Дастур маъруза матнлари, глоссарий, казус ва муаммоли вазиятлар, тест ва назорат саволлари, слайд ва инфографикалар билан бойитилди.

Сайлов жараёни иштирокчиларини ўқитиш “каскад” усулида ташкил қилинди. Хусусан:

– дастлабки босқичда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, давлат идоралари мутахассисларидан иборат 70 нафардан иборат “республика тренерлари” гуруҳи шакллантирилди ва улар ДБА базасида семинар-тренинг дастури асосида ўқитилди ва уларга тегишли сертификатлар берилди;

– сўнг “республика тренерлари” томонидан ҳудудларга чиққан ҳолда ҳудудий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари орасидан 748 нафардан иборат “ҳудудий тренерлар” гуруҳи шакллантирилди ва улар ҳам махсус дастур асосида ўқитилиб, сертификатлар топширилди;

– яқуний босқичда “ҳудудий тренерлар” жойларга чиқиб, 180 минг нафарга яқин сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар ва аъзоларни босқичма-босқич ўқитиб борди.

Миллий сайлов амалиётида илк бор сайлов жараёни иштирокчиларини ўқитиш ҳар бир гуруҳда 20-25 нафардан ортиқ бўлмаган тингловчи иштирок этган семинар-тренинг усулида ташкил этилди. Ҳар бир тингловчи ишчи дафтарлар билан таъминланди.

ЎзР МСК томонидан “республика тренерлари”га, ҚР МСК, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари томонидан “ҳудудий тренерлар” билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар тузилиб, уларга ҳақ тўланди.

⁵⁴ ЎзР МСКнинг 2019 йил 23 июлдаги 926-сон қарори

Сайлов комиссиялари аъзолари ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиларини сайлов қонунчилиги ҳақидаги билими ва амалий кўникмаларини ошириш мақсадида “Saylov2019” мобил иловаси ишлаб чиқилди. Ушбу мобил иловага семинар-тренинг дастури, тегишли маъруза матнлари, глоссарий, слайдлар ва инфографикалар, сайловларга оид казус ва тест саволлари каби ўқув-услубий материаллар ҳам жойлаштирилди.

Сайлов жараёни иштирокчилари учун ташкил этилган махсус семинар-тренинглар самарали бўлди. Сайлов комиссиялари аъзолари янги қабул қилинган сайлов қонунчилиги ва амалиёти буйича **зарур билим ва амалий кўникмага эга бўлди ҳамда сайловлар жараёнида буни намоён этди.**

12-боб. Сайлов жиҳозларини харид қилиш ва етказиб бериш (логистика)

“Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун Олий Мажлис, маҳаллий кенгашлар сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун амалга ошириладиган давлат харидларига нисбатан тадбиқ этилмайди⁵⁵.

Сайловни ўтказиш учун зарур товар-моддий қимматликларни марказлашган тартибда харид қилиш мақсадида МСКнинг Харидлар бўйича махсус комиссияси ташкил этилди.

2019 йил июль-август ойларида вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияларидан сайлов жиҳозларига бўлган эҳтиёжлар сўраб олинди. 2019 йил сентябрь ойида ЎЗР МСКнинг масъул ходимлари томонидан жойларга чиққан ҳолда сайлов комиссиялари билан биргаликда мазкур эҳтиёжлар аниқлаштирилди ва талабномалар қабул қилинди (7-илова).

Ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхоналарни аниқлашда устуворлик товарнинг нархи ва сифатига, етказиб бериш муддатига, шунингдек корхонанинг ижтимоий йўналтирилганлик даражасига қаратилди. Масалан, яширин овоз бериш кабиналари ва сайлов қутилари ИИВнинг Жазони ижро этиш муассасаларига қарашли корхоналари томонидан ишлаб чиқарилди ва жойларга етказиб берилди.

Аксарият сайлов участкалари халқ таълими муассасаларида жойлашганини инобатга олиб, сайлов жиҳозларини худудларга етказиш Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги “Ўқув таълим таъминоти” ДУК томонидан, сайловга оид хат-ҳужжатлар ва сайлов бюллетенларини сайлов участкаларига етказиш Давлат фельдегерлик хизмати томонидан амалга оширилди. Шунингдек, хорижий давлатлардаги сайлов участкаларига сайлов жиҳозлари ТИВ ва Давлат фельдегерлик хизмати орқали етказилди.

Сайловларда эксперимент тариқасида янги намунадаги 3 167 дона кўчма овоз бериш кабиналари синовдан ўтказилди.

Синов натижалари:

УСК аъзоларининг фикрига кўра, кўчма кабиналар яширин овоз бериш тамойилини таъминлаган ҳолда, сайлов участкаси хонасининг хусусиятига қараб тезда мослашувчан эканлиги ижобий ҳол сифатида баҳоланди.

⁵⁵ ЎЗРнинг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунининг 1-моддаси.

Шунингдек, сайловчилар томонидан ҳам ушбу кўчма кабиналарнинг қулайлиги ва ёруғлиги эътироф этилди.

Таклиф: *Навбатдаги сайловларда яроқсиз ҳолга келган стационар овоз бериш кабиналарини кўчма сайлов кабиналари билан алмаштириши, шунингдек стационар кабиналарни ҳар бирининг ичида ёритиш мосламаларни ўрнатиши.*

Умуман олганда, сайловни ўтказиш учун зарур товар-моддий қимматликлар барча даражадаги сайлов комиссиялари ихтиёрига қонунчиликда белгиланган муддатларда етказиб берилди.

Муаммолар:

1) Сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиши билан боғлиқ жараёнларни молиялаштириши учун ҳаражатлар сметаси сайловга қисқа муддат қолганда яъни, 2019 йил 15 октябрда тасдиқланди⁵⁶.

Шу муносабат билан, сайлов жиҳозлари хариди бўйича ажратилган маблағлар тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлмаганлиги сабабли ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчиларни танлаб олиши ва улар билан тегишли шартномалар тузиши ишлари кечикиб кетди;

2) Сайлов жиҳозлари бўйича жойлардан дастлаб олинган эҳтиёжлар нотўғри эканлиги аниқлангани сабабли ҳудудлардан сайловга 10-15 кун қолганда товар-моддий қимматликлар (яширин овоз бериш кабинаси, Давлат герби ва ҳ.к.) га қўшимча эҳтиёж борлиги билдирилди.

Натижада, сайловга кам муддат қолганда ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи корхоналарга режалаштирилмаган қўшимча юкламалар бериши, бошқа муқобил корхоналарни зудлик билан қидириб топишга тўғри келди.

Юқоридаги муаммолар сайлов жараёнини зарур моддий-товар қимматликлар билан ўз вақтида таъминлай олмаслик хавфини юзага келтирди. Мазкур хавф МСК Харид комиссияси, ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхоналарнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида бартараф этилди.

Таклиф:

1) Сайлов бюджетини сайловга камида 6 ой қолганда тасдиқлаш ва ажратилган маблағлар ҳисобидан аниқланган эҳтиёжлар бўйича харид ишларини бошлаш;

2) Молия йили бошида режалаштирилган маблағлар доирасида сайлов жиҳозларини ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчиларни танлаб олиши бўйича эълон бериш;

3) Ҳудудларда сайлов жиҳозларининг бекаму-кўст сақланиши юзасидан ва келгусида эҳтиёжларни ўз вақтида сифатли олиши учун туман сайлов комиссияси раиси ёки котибинини (доимий асосда ишлаш ҳақидаги таклиф қабул қилинган тақдирда) масъул этиб белгилаш.

⁵⁶ МСКнинг 2019 йил 15 октябрдаги 963-сон қарори.

13-боб. Сайлов бюллетенлари

Сайлов бюллетенининг шакли, ўлчамлари ва матнида акс эттириладиган маълумотларнинг ҳажми ва тартиби ЎзР МСК қарори билан белгиланди⁵⁷. Бюджет маблағларини тежаш мақсадида сайлов бюллетенларини чоп этишда илк бор сув белгиси мавжуд қоғозлардан фойдаланишдан воз кечилди.

ЎзР МСК томонидан жами 20 699 552 та, шу жумладан Ўзбекистон ҳудудидаги УСКлар учун 18 993 417 та ва хориждаги УСКлар учун 1 706 135 та сайлов бюллетенлари чоп этилди.

Сайлов бюллетенлари УСКларга 2019 йил 9 декабрга қадар сайлов участкасидаги сайловчилар умумий сонининг 5 фоизи миқдорида, 2019 йил 19 декабрга қадар қолган 95,5 фоизи етказиб берилди.

Сайлов кодексига мувофиқ сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан тегишли округ аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда нашр этилиши белгиланган⁵⁸. Шунга кўра, сайлов бюллетенлари Ўзбекистондаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этилди (ўзбек тилида 91,5%, рус тилида 6%, қорақалпоқ тилида 2,5 %).

Муаммолар:

1) сайловчилар томонидан овоз бериш жараёнида, шунингдек УСК аъзолари томонидан овозларни санаш жараёнида сайлов бюллетенларининг бир-биридан ажратиш олиш қийин бўлди⁵⁹;

2) сайлов бюллетенида номзодлар ҳақидаги маълумотларнинг кўплиги боис, матнлар кичик шрифтда акс эттирилди, айниқса туман, шаҳар кенгашларига сайлов бўйича (А5 форматда) бюллетенлар айрим сайлов округларидаги сайловчилар томонидан эътирозларга сабаб бўлди;

3) Сайлов кодексига биноан⁶⁰ УСКлар сайлов бюллетенларини овоз бериш кунига камида уч кун қолганида олади. УСК оладиган сайлов бюллетенларининг сони участка бўйича рўйхатларга киритилган сайловчилар сонига нисбатан ярим фоиздан ортиқроқ бўлиши мумкин эмас.

Шу билан бирга, сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш сайловга уч кун қолганида тўхтатилиши ҳақида қоида ўрнатилган⁶¹.

Миграция даражаси юқори бўлган пайтда мазкур талабга риоя қилган ҳолда ҳар бир сайловчининг сайловда қатнашишига оид конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқариш қийинлашди. Ҳаттоки, айрим сайлов участкаларини сайлов бюллетенлари билан етарли миқдорда ўз вақтида таъминламаслик хавфи юзага келди. Сайлов комиссиялари томонидан кўрилган шошилинч чоралар туфайли барча УСКлар ўз вақтида зарур миқдордаги сайлов бюллетенлари билан тўлиқ таъминланди.

⁵⁷ МСКнинг 2019 йил 14 ноябрдаги 980-сон қарори.

⁵⁸ Сайлов кодексининг 31-моддаси.

⁵⁹ Қонунчилик палатаси сайлов бюллетени (А4 ўлчамда) учун ранг жихатидан жудаям очиқ яшил ранг танланган, вилоят кенгашлари учун бюллетенлар ҳам (А4 ўлчамда) оқ рангда бўлган. Оқибатда ранглар ўхшашлиги туфайли ҳамма бюллетенлар бир жойга тўкилганида уларни бир-биридан ажратиш қийинчилик туғдирган.

⁶⁰ Сайлов кодексининг 32-моддаси.

⁶¹ Сайлов кодексининг 29-моддаси.

Таклифлар:

1) Уч даражали сайлов бўйича сайлов бюллетенларини ажратган ҳолда уч хил рангда тайёрлаш;

2) Барча вакиллик органлари учун мўлжалланган сайлов бюллетенларининг ҳажмини А-4 (297x208 мм) ўлчамида тайёрлаш ҳамда унда акс эттириладиган номзодлар ҳақидаги маълумотларни қисқартириш;

3) Сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартиришлар киритиш муддатини қайта кўриб чиқиб, унинг сайловга беш кун қолганида тўхтатилишини белгилаш.

V. ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИ.**САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ****14-боб. Муддатидан олдин овоз беришни ташкил қилиш**

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга 10 кун қолганида бошланади ва 3 кун қолганида тугалланади⁶². Шунга асосан муддатидан олдин овоз бериш 2019 йил 12 декабрдан 18 декабрь соат 18⁰⁰ га қадар республикадаги 10 260 та ҳамда хорижий давлатларда ташкил этилган 55 та сайлов участкаларида ўтказилди. Бу ҳақда ЎзР МСКнинг тегишли қарори қабул қилинди⁶³.

ЎзР МСК томонидан муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи томонидан ариза беришнинг етарли эканлиги ва бунга ҳар қандай тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланиши ҳақида тушунтиришлар берилди.

Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш мақсадида УСКларга аввалги сайловлардан фарқли равишда, жами сайловчилар сонининг 5 % миқдорида сайлов бюллетенлари етказиб берилди. Бу, ўз навбатида, 2014 йилда ўтказилган сайловда юзага келган сайлов варақаси билан боғлиқ етишмовчиликларнинг олдини олди.

Хорижий давлатларда ташкил этилган 55 та сайлов участкасида илк мартаба Ўзбекистон фуқаролари зич яшайдиган жойларда кўчма сайлов қутилари орқали муддатидан олдин овоз бериш ташкил қилинди.

Муддатидан олдин овоз беришда жами 149 033 нафар сайловчи, шу жумладан 59 226 нафар сайловчи Ўзбекистон ҳудудида ҳамда 89 807 нафар сайловчи хорижий давлатларда иштирок этди⁶⁴.

⁶² Сайлов кодексининг 57 моддаси.

⁶³ ЎзР МСКнинг 2019 йил 3-декабрдаги 999-сон қарори.

⁶⁴ 2014 йилда муддатидан олдин овоз беришда жами 8 311 нафар сайловчи иштирок этган.

15-боб. Хорижда ташкил этилган сайлов участкаларида овоз беришни ташкил қилиш

ЎзР МСКнинг қарорлари билан хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари ҳузурида 53 та сайлов участкаси ҳамда ЎзР Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Москва ва Кванджу шаҳарларидаги ваколатхоналарида 2 та сайлов участкаси тузилди⁶⁵.

Аввалги сайловлардан фарқли равишда, хориждаги сайлов участкалари ТИВ билан келишилган ҳолда ТИВ жойлашган ҳудуддаги ягона сайлов округи – 141-Темирйўлчилар сайлов округига эмас, балки Тошкент шаҳридаги Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи барча 12 та сайлов округларига бириктирилди⁶⁶.

Бунда қуйидаги омиллар асос қилиб олинди:

– консуллик ҳисобида турган-турмаганидан қатъи назар, хорижда бўлиб турган ЎзРнинг барча фуқароларига сайловда қатнашиш имконияти яратилгани сабабли фуқароларнинг сайловларда иштирок этиш фаоллигининг ошиши ва битта сайлов округига бириктирилганда сайлов округларидаги сайловчилар сонининг йўл қўйиладиган энг кўп четга чиқиши 10 % дан ошиб кетиш эҳтимоли;

– хориждаги сайлов участкаларини ўз вақтида тегишли сайлов жиҳозлари билан таъминлаш мақсадида қулай логистик инфраструктуранинг ҳамда пойтахтни чет эл давлатлари билан боғлайдиган ҳаво транспортининг мавжудлиги;

– Тошкент шаҳридаги Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи сайлов округларидаги сайловчилар ўртача сони 127 минг нафарлиги ва бу бошқа маъмурий-ҳудудий бирликлардаги сайлов округлари сайловчилар ўртача сонидан камлиги;

– Тошкент шаҳрининг пойтахт мақоми борлигини ва мамлакатимизнинг барча фуқаролари учун бир хил ҳуқуқий мақомга эгаллиги.

Хорижий давлатларда сайловларни самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳузурида сайлов участкаларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом қабул қилинди⁶⁷ ҳамда тегишли Ҳаракатлар режаси тасдиқланди⁶⁸. ТИВнинг расмий веб-сайти орқали хорижда яшаётган фуқароларни сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида электрон шаклда мурожаат қилиш имконияти яратилди.

Хорижий давлатларда бўлиб турган сайлов ҳуқуқига эга барча фуқароларни консуллик ҳисобида турган-турмаганидан қатъи назар сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби белгиланди ва сайловчилар рўйхати шакллантирилди. Хориждаги сайлов участкаларидаги сайловчилар сони 1 697 647 нафарни ташкил қилди.

⁶⁵ ЎзР МСКнинг 2019 йил 22 октябрдаги 967-сон ҳамда 2019 йил 26 ноябрдаги 988-сон қарорлари.

⁶⁶ ЎзР МСКнинг 2019 йил 1 ноябрдаги 971-сон қарори.

⁶⁷ ЎзР МСКнинг 2019 йил 22 октябрдаги 966-сон қарори.

⁶⁸ ЎзР МСКнинг 2019 йил 26 ноябрдаги 989-сон қарори.

ЎзР МСК томонидан хориждаги УСКларга сайлов бюллетенлари ТИВ орқали муддатидан олдин овоз бериш кунига қадар сайловчилар рўйхатининг умумий сонидан келиб чиққан ҳолда 100,5 фоиз етказиб берилди.

Хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорликда хорижда вақтинча истиқомат қилаётган ва меҳнат фаолиятини олиб бораётган Ўзбекистон фуқароларининг зич ҳолда яшаш ёки ишлаш жойларида кўчма кутиларда муддатидан олдин овоз бериш ташкил қилинди. Хусусан, 26 та давлатда 204 та сайловчилар турган жойда сайёр сайловлар ташкил этилди.

Жами 38 та мамлакатда ташкил этилган 55 та сайлов участкаларида 112 411 нафар сайловчи овоз берди, шундан 89 807 нафари муддатидан олдин.

***Муаммо:** Сайловлар сиёсий жараён бўлганлиги сабабли хорижий давлатларда фуқароларимиз ўқиш ёки меҳнат фаолиятини олиб бораётган таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар маъмуриятлари билан турган жойида муддатидан олдин овоз беришни ташкил этишига келишида айрим муаммоларга дуч келинди.*

Хусусан, бошқа давлат ҳудудида сайлов жараёнларини ташкил этишида, айниқса сайлов участкаси жойлашмаган бошқа шаҳарларга бориб, турган жойидан муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш учун хорижий давлатларнинг ваколатли идоралари билан доимий алоқа ўрнатиш, айниқса сайловларнинг хавфсиз ўтказилишида кўмак бериши масаласида, хориждаги УСК аъзоларининг хизмат сафари ва сайлов жараёнини ўтказиш, хоналарни ижарага олиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, муддатидан олдин овоз бериш ўқиш ёки меҳнат вақтига тўғри келиши, сайлов жараёнини ташкил этиш учун бўш майдон ва хоналарнинг этишимовчилиги кабилар.

Ушбу муаммолар ТИВ ҳамда дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари раҳбарларининг фаоллиги ва хорижий давлатлар ваколатли органларининг яқиндан кўмак бериши натижасида ҳал қилинди.

Таклиф:

1) ЎзР МСК томонидан хориждаги фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлашга оид давлатлараро ҳамкорликни кенгайтириш ва ушбу масалада халқаро ташкилотлар (ЕХХТ ДИИХБ, МДХ ва б.) миқёсида универсал халқаро ҳужжат қабул қилиш ташаббусини илгари суриш. Шунингдек, хорижий давлатларнинг сайлов органлари билан паритет асосида кенг ҳамкорлик қилиш;

2) ЎзР МСКнинг сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича харажатлар сметасида хорижда сайлов жараёнларини ташкил этиш бўйича алоҳида молиявий манбаларни кўрсатиб ўтиш.

16-боб. Сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш

2019 йил 22 декабрь куни соат 08.00 да республикада ташкил этилган 10.260 та сайлов участкасида Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатларининг сайлови бошланиб, шу куни соат 20-00 да якунланди.

Сайлов, агар унда сайловчиларнинг камида 33 % иштирок этган бўлса, ўтган деб ҳисобланади⁶⁹. Сайловда хорижда ташкил қилинган сайлов участкалари билан бирга ҳисоблаганда жами 13 963 627 нафар сайловчи иштирок этди ва бу сайловчилар умумий сони (20 596 570) нинг 67,8 фоизини ташкил этди⁷⁰. Натижада, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтган ва ҳақиқий деб ҳисобланди.

Муаммо: *Маҳаллий ва хорижий кузатувчилар томонидан айрим сайлов участкаларида “оилавий” (бир нечта оила аъзолари номидан) овоз бериш ҳаракати бўлгани қайд этиб ўтилди. Бундай қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик учун УСК аъзолари томонидан зарур чоралар кўрилди.*

Шу билан бирга, 2014 йилги парламент сайловларидан фарқли равишда “оилавий” овоз беришлар сони кескин камайгани кузатилди. Хусусан, ЕХХТ ДИИХБ Сайловларни кузатиш бўйича Миссиясининг якуний ҳисоботида сайлов участкаларининг 10 фоизида бошқалар учун овоз бериш ҳолатлари кузатилгани қайд этилган. 2014 йилги парламент сайловларини кузатиш якунлари бўйича ЕХХТ ДИИХБ Миссияси томонидан бундай ҳолатлар деярли барча сайлов участкаларида кузатилганлиги билдирилган⁷¹.

Таклифлар:

1) УСК аъзоларининг моддий манфаатдорлигини ва масъулиятини ошириш. УСК аъзоларининг билим ва малакасини оширишга қаратилган махсус ўқув дастурлари асосида ўқувларни давом эттириш;

2) сайлов участкаларини кузатув камералари билан жиҳозлаш ва овоз бериш жараёнини онлайн режимида Интернетда намойиш этиш ишларини давом эттириш.

17-боб. Овозларни санаб чиқиш ва якунлари бўйича баённомаларни тўлдириш

Сайлов кодексига асосан сайловлар мажоритар сайлов тизими асосида ўтказилди. Сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади⁷².

Овозларни санаб чиқишда мутлақ кўпчилик қоидаси, яъни 50% + 1 та овоз қоидасига риоя қилинди. Сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш УСК аъзолари томонидан овоз бериш қутиларида мавжуд бўлган сайлов бюллетенлари бўйича амалга оширилди. УСК аъзолари овоз бериш якунлангандан сўнг қонунчиликда белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлигида вазифаларни амалга оширди⁷³.

⁶⁹ Сайлов кодексининг 96-моддаси.

⁷⁰ 2014 йил 21 декабрда ўтказилган парламент сайловларида сайловчилар рўйхатига киритилган 20 789 572 нафар сайловчидан 18 490 245 нафари ёки сайловчиларнинг 88,94 фоизи овоз берган.

⁷¹ ЕХХТ ДИИХБ Сайловларни кузатиш бўйича чекланган миссиясининг якуний ҳисоботи. Ўзбекистон Республикаси парламент сайловлари 21 декабрь 2014 йил.

⁷² Сайлов кодексининг 96-моддаси.

⁷³ ЎзР МСКнинг сайлов комиссиясининг 2019 йил 23 июлдаги 924-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида низом”нинг 92-банди.

Овоз бериш натижаларига асосан УСК баённомаларни тўлдириб, тегишли ОСКларга тақдим этди. ОСКлар тақдим этилган баённомаларни умумлаштириш асосида тегишли округлар бўйича натижаларни чиқарди ва баённомаларни ЎЗР МСК га тақдим этди.

Муаммо:

1) Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 3 та ОСК (67-Пастдаргом, 102-Яйпан, 106-Бағдод) бўйича сайлов натижаларини аниқлашда хатоликка йўл қўйилган. Хусусан, қонунга асосан овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган номзоднинг сайланишига қарамасдан, барча номзодлар учун ёқлаб берилган овозларга нисбатан ярмидан кўпининг овозини олган номзод сайлангани ҳақида қарорлар қабул қилинган (ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенларни ҳисобга олмаган ҳолда). ЎЗР МСК томонидан ушбу ҳолат арифметик хатолик деб топилди, ушбу сайлов округларида энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича такрорий овоз бериш ўтказиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

2) Сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар ва кузатувчилар томонидан ОСКлар томонидан округ бўйича сайлов натижалари тўғрисида баённома тузилганидан кейин ҳамма учун ошкор қилинмагани тўғрисида шикоятлар келиб тушди.

Таклифлар:

1) ОСК ва УСК аъзоларининг Сайлов кодекси талабларига оғишмай аниқ ва бир хилда иш олиб боришлари учун навбатдаги сайловларга 3-5 кун қолганда “Овоз бериш яқунларини чиқариш” мавзусида махсус амалий машғулотларини ўтказиш;

2) ОСК баённомаси бланкасининг 2-бетига комиссиянинг сайлов яқунлари ҳақидаги қарори матнини қўйиш;

3) ОСКлар томонидан округ бўйича сайлов натижалари тўғрисида баённоманинг кўчирма нусхасини ҳамма танишиб чиқиши учун ОСК биносига камида 48 соат муддатга дарҳол осиб қўйиш лозимлиги ҳақида қоида ўрнатиш;

18-боб. Такрорий овоз бериш

Сайлов округи бўйича икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан ҳеч бири сайланмаса, ОСК энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда тегишли сайлов комиссиясини ҳамда округ сайловчиларини хабардор этади. Такрорий овоз бериш икки ҳафталик муддатда ўтказилади⁷⁴.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фоизи ҳисобга олинмайди.

⁷⁴ Сайлов кодексининг 59-моддаси.

2020 йил 5 январь куни Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 25 та сайлов округларидаги 1 730 та сайлов участкасида такрорий овоз бериш бўлиб ўтди. Ушбу сайлов участкаларида 3 147 079 нафар фуқаро СЯЭРга киритилиб, сайловчиларнинг 1 978 048 нафари ёки 62,8 % такрорий овоз беришда иштирок этди.

Муаммо: Сайлов кодексига қўйидаги ҳуқуқий бўшлиқлар аниқланди:

1) Такрорий овоз беришда агарда номзодлардан бири номзодликдан воз кечиши тўғрисида ариза билан мурожаат этса, бундай мурожаатдан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар баён этилмаган;

2) Сайлов куни 18 ёшга тўлмаган, лекин такрорий овоз бериш куни 18 ёшга тўлган фуқароларнинг сайловда қатнашишига оид ҳуқуқи аниқлаштирилмаган.

Таклифлар:

1) Такрорий овоз бериш жараёнларини батафсил баён қилиш, шунингдек такрорий овоз беришда сайлов куни 18 ёшга тўлган (асосий сайловда иштирок этган) фуқаролар қатнашиши мумкинлиги тўғрисидаги қонунни ўрнатилиш таклиф этилади;

19-боб. Такрорий сайлов ўтказиш

Такрорий сайлов асосий сайловдан кейин кечи билан бир ойлик муддат ичида қўйидаги ҳолларда ўтказилади:

– агар сайлов округи бўйича сайлов ўтмаган ёхуд ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

– агар такрорий овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имконини бермаган бўлса;

– агар сайлов округи бўйича кўпи билан икки номзод қўйилган бўлса ва улардан ҳеч бири сайланмаган бўлса⁷⁵.

Миллий сайлов амалиётида илк бора такрорий сайлов институти қўлланилди. Хусусан, Халқ депутатлари Чилонзор тумани кенгашига сайлов ўтказувчи 4-Лутфий ва Халқ депутатлари Бектемир туман кенгашига сайлов ўтказувчи 18-Висол сайлов округларида сайловлар ҳаққоний эмас деб топилган. Такрорий сайловлар 2020 йил 19 январь куни ўтказилган.

Муаммо: Сайлов кодексига такрорий сайловни ўтказишда айрим ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, сайлов комиссияларини тузиш, номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар Сайлов кодексига белгиланган тартибда амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, амалиётда такрорий сайловларни ўтказишда ОСК ва УСКларни тузиш, номзодларни рўйхатга олиш, сайловолди ташвиқотини ўтказиш каби тадбирларни ўтказиш учун бир ойлик муддат етарли эмаслиги аниқланди.

Таклиф: Такрорий сайлов ўтказиш жараёнларида мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаштириш.

⁷⁵ Сайлов кодексининг 60-моддаси.

20-боб. Сайловларнинг натижаларини эълон қилиш

Олий Мажлисга сайлов якунларига кўра ЎзР МСКнинг қарори сайловдан кейин 10 кундан кечиктирмай қабул қилинади, МСКнинг расмий веб-сайтида ва бошқа манбаларда эълон қилинади (ҳаммага маълум қилинади). Маҳаллий кенгашга ўтказилган сайлов якунлари тўғрисидаги қарор тегишли сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин 10 кундан кечиктирмай қабул қилинади ва матбуотда эълон қилинади, шунингдек ОАВда ҳаммага маълум қилинади⁷⁶.

Сайловдан 3 кун ўтгач, яъни 25 декабрь куни ЎзР МСКнинг мажлисида Қонунчилик палатасига сайлов якунлари кўриб чиқилди ва 125 та сайлов округларидан сайланган депутатлар рўйхатга олинди. Шунингдек, 2020 йил 6 январь куни 25 та сайлов округида такрорий овоз беришнинг якунлари кўриб чиқилиб, ЎзР МСКнинг тегишли қарори қабул қилинди⁷⁷.

2019 йил 22 декабрдаги овоз бериш ҳамда 2020 йил 5 январдаги такрорий овоз бериш натижалари, яъни сайловларнинг якунларига кўра, Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар қуйидагича депутатлик ўринларига эга бўлдилар:

1. ЎзЛиДеП – 53 та ўрин;
2. “Миллий тикланиш” ДП – 36 та ўрин;
3. “Адолат” СДП – 24 та ўрин;
4. ХДП – 22 та ўрин;
5. Экопартия – 15 та ўрин.

Янги сайланган депутатларнинг рўйхатлари ЎзР МСКнинг расмий веб-сайтида ва ОАВда эълон қилинди (сайланган депутатларнинг сифат таркиби 8-иловада келтирилган).

21-боб. Маҳаллий кенгашларга сайловлар

Маҳаллий кенгашларга сайлов натижалари бўйича сиёсий партиялар қуйидаги депутатлик ўринларини олишга эришдилар:

Сиёсий партия	ҚР Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида		Туман ва шаҳар кенгашларида	
	депутатлик ўрни	%	депутатлик ўрни	%
ЎзЛиДеП	295	35%	1 972	34%
ХДП	201	24%	1 368	24%
“Миллий тикланиш” ДП	147	18%	1 124	20%
“Адолат” СДП	104	13%	750	13%
Экопартия	84	10%	522	9%
ЖАМИ	831		5 736	

⁷⁶ Сайлов кодексининг 97-моддаси

⁷⁷ 2014 йил 21 декабрда ўтказилган сайловларда 22 та сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур овозларни тўплай олмаганлиги сабабли 2015 йил 4 январь куни ушбу округларда такрорий овоз бериш ўтказилган. Такрорий овоз беришда 2 миллион 642 минг 63 нафар сайловчи иштирок этиб, 76,9 фоизини ташкил қилган.

ҚР Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига сайлов яқунлари бўйича ЎзЛиДеП номзодлари 13 та кенгашда энг кўп ўринни эгаллаган бўлса, Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашида энг кўп ўринни ХДПдан кўрсатилган номзодлар эгаллаган.

Туман ва шаҳар кенгашларига сайлов яқунлари бўйича ЎзЛиДеП – 150 та, ХДП – 30 та, “Миллий тикланиш” ДП – 17 та, “Адолат” СДП – 4 та ва Экопартия номзодлари – 1 та кенгашда энг кўп депутатлик ўринларига эга бўлган. Шу билан бирга Экопартия 11 та, “Адолат” СДП 6 та, ХДП битта кенгашда биронта ҳам депутатлик ўрнига эга бўлмаган.

Маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар сифат таркиби 9а ва 9б-иловаларда келтирилган.

22-боб. Сенатни шакллантириш

Сенат аъзолари сайлови бўйича ҚР Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлислари 2020 йилнинг 16-17 январь кунлари ўтказилди.

Қўшма мажлисларда маҳаллий кенгаш депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — 6 кишидан жами 84 нафар сенатор сайланди.

Шунингдек, ЎзР Президентининг 2020 йил 17 январдаги ПФ-5918-сон ва 2020 йил 22 январдаги ПФ-5921-сон фармонларига асосан 14 нафар сенаторлар ЎзР МСК томонидан рўйхатга олинди. (Сенаторларнинг сифат таркиби 10-иловада келтирилган).

23-боб. Сайлов жараёнига оид мурожаатлар (шикоятлар)

Сайлов кампанияси даврида ЎзР МСК, Олий суди ва Бош прокуратурасига сайловга оид жами 1 360 та мурожаат, шу жумладан ЎзР МСКга 1 052 та мурожаат келиб тушди.

Хусусан, ЎзР МСКнинг расмий веб-сайтига СЯЭРга тузатиш киритиш ҳақида 357 та электрон мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг барчаси ижобий ҳал қилинган бўлса, 452 та мурожаат маҳаллий кенгашлар сайловига доир бўлганлиги сабабли тегишлилиги бўйича кўриб чиқиш учун ҚР МСК, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияларига ва бошқа давлат органларига юборилди. Қолган 243 та мурожаатнинг 19 таси ижобий ҳал этилди, 94 та мурожаатга ҳуқуқий тушунтириш берилди, 124 таси тегишлилиги бўйича сиёсий партиялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва бошқа ташкилотларга юборилди, 6 та мурожаат аризачи томонидан қайтариб олинди⁷⁸.

Сайлов кампанияси даврида ЎзР МСК ваколатига кирадиган ва комиссия мажлисида кўриши лозим бўлган масалалар бўйича, хусусан округ сайлов комиссияларининг қарорларини бекор қилиш ҳамда сайлов округи бўйича

⁷⁸ ЎзРнинг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунининг 19-моддасига мувофиқ мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз давлат органлари мансабдор шахслари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди. Шунга асосан мазкур Ҳисоботда фақат статистик маълумотлар келтирилган.

парламент сайлови натижаларини ҳақиқий эмас деб топишга оид мурожаатлар келиб тушмади.

Сайлов кампанияси бошланганидан то 2020 йилнинг 7 январигача МСК Халқаро матбуот марказида Ўзбекистон ҳудудида яшовчи аҳоли учун 1197 қисқа рақамли ва хорижда истиқомат қилувчи фуқаролар учун (998) 55-502-44-44 рақамли бепул “Ишонч телефони” (“Call center”) ишлаб турди.

“Ишонч телефони”га тушган 1 021 та мурожаатга ўз вақтида малакали жавоблар қайтарилди⁷⁹. Бунда энг кўп мурожаат Тошкент шаҳри (210 та), Қашқадарё (120 та) ва Тошкент (117 та) вилоятларидан тушди.

Прокуратура идораларига сайлов кампанияси даврида жами 255 та мурожаат⁸⁰ тушган бўлиб, улардан 230 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган ва 5 та мурожаат тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилган бўлса, 20 та мурожаат бўйича тегишли ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилган. Хусусан, 3 та қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида такдимнома киритилган, шунингдек 3 та ҳолатда интизомий, 11 та ҳолатда маъмурий ва 3 та ҳолатда айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган.

Судлар томонидан сайлов кампанияси даврида сайлов билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳамда оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқишига оид 53 та иш⁸¹ кўрилган бўлиб, улардан 22 таси бўйича ариза қаноатлантирилган ёки қисман қаноатлантирилган, 10 таси рад этилган, 12 таси бўйича иш юритиш тугатилган ва битта ариза кўрмасдан қолдирилган, 8 та ариза МЖтКнинг 324³³-модда асосида янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисида қайтарилган.

ЎЗР МСК томонидан сайлов соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга оид ишларни расмийлаштириш бўйича йўриқнома⁸² қабул қилинган ушбу масалаларда ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришда кўмак берди.

Миллий сайлов амалиётида илк бор ЎЗР МСКнинг Халқаро матбуот марказида сайловга оид мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари ва жараёни юзасидан сайлов куни ЎЗР Бош прокурори ва Олий суд раисининг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун жонли эфирда матбуот анжумани ўтказилди.

Муаммо: *МЖтКнинг 280-моддасига асосан бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қондаларга роя этилишини назорат қилиш қонун ҳужжатлари билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг*

⁷⁹ Мурожаатларнинг 233 таси Сайлов кодекси нормаларини қўллашга доир, 198 таси сайловларга тайёргарлик ва уларни ўтказилиши жараёнларига эътирозлар ҳақида, 172 таси сайлов жараёнлари ва иштирокчиларига тегишли маълумотлар олиш ҳақида, 165 таси ОСК ва УСК аъзоларига ҳақ тўланиши масалаларида, 118 таси сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловда ташвиқоти масалаларида, 54 таси номзодликка кўрсатиш тартибига аниқлик киритиш ва номзодларни рўйхатдан чиқарилиши масалаларида, 17 та сайлов участкаларини зарурий сайлов жиҳозлари билан таъминлаш масаласида ҳамда 64 таси сайловга бевосита алоқаси бўлмаган мурожаатлардир.

⁸⁰ Мурожаатларнинг 17 таси фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида, 15 таси СЯЭР даги хато ва камчиликлар хусусида, 120 таси сайлов жараёнларида йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида, 14 таси сайлов натижаларини аниқлашда йўл қўйилган ноаниқликлар тўғрисида, 17 таси сайлов натижалари ҳақида баённомалар ўз вақтида берилмаганлиги ёки эълон қилинмаганлиги хусусида, 54 таси депутатликка номзоди рўйхатга олинмаганлиги хусусида, 6 таси далолатномаларнинг қонунийлиги хусусида хулоса бериш тўғрисида, 8 таси УСК аъзолари томонидан баённомалар бир томонлама ўзгартирилганлиги тўғрисида, 2 таси сайлов комиссиялари ишида иштирок этгани учун иш ҳақи тўланмаганлиги ҳақида ва 2 таси сайлов қонунчилиги юзасидан тушунтириш бериш ҳақида.

⁸¹ Судга берилган аризаларнинг 31 таси сайлов комиссияларининг қарорларини тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида; 4 таси сайлов комиссияларининг қарорларини бекор қилиш тўғрисида; 3 таси фуқарони депутатликка номзодлар рўйхатидан чиқариш тўғрисида; 4 таси фуқарони депутатликка номзодини тиклаш тўғрисида; 6 тасида сайлов натижаларини бекор қилиш хусусида, 5 таси ОСК ва УСКнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатидан норозилиги тўғрисида.

⁸² ЎЗР МСКнинг 2019 йил 11 сентябрдаги 934-сон қарори билан тасдиқланган Сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар томонидан сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга оид ишларни расмийлаштириш бўйича йўриқнома.

ваколатли мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузиши белгиланган.

Сайлов кодексининг 20 ва 22-моддаларига асосан вилоят, туман, шаҳар ва округ сайлов комиссиялари тегишли ҳудудда Сайлов кодексининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш ваколати берилган. Шу билан бирга, сайлов комиссияларига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузиш ваколатлари берилмаган.

Тақлиф: *Сайлов кодексда сайлов қонунчилигини бузганлик учун вилоят, туман, шаҳар, округ сайлов комиссиялари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузиш ваколатини акс эттириш.*

24-боб. Кузатувчиларнинг фикрлари ва тавсиялари

ЕХХТ ДИИХБ миссияси тақдим этган Якуний ҳисоботда сайловлар такомиллашган қонунчилик асосида ўтказилгани ва мустақил фикрларга нисбатан бағрикенглик муҳитининг ошгани ҳақида хулоса қилинган.

ЎЗР МСКнинг иши ижобий баҳоланиб, “парламент сайловларига янада яхшироқ тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун улкан куч сафарбар этилгани” таъкидланган. Хусусан, сайлов комиссиялари аъзоларини тайёрлаш, уларнинг сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишга оид кўникмаларини ошириш, сайловларда кўп сонли халқаро ва маҳаллий, жумладан, сиёсий партияларнинг, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари, ОАВ вакилларининг тўсқинликларсиз иштирокини таъминлаш, сайловчилар ўртасида изчил ва сезилувчан ахборот кампаниясини ўтказиш борасида олиб борилган ишларига юксак баҳо берилган.

Айниқса сайлов комиссияси аъзоларини ўқитиш натижалари алоҳида таъкидланган: “Миссия вакиллари ташриф буюрган аксарият сайлов участкаларидаги комиссия аъзолари янги Сайлов кодексини яхши билишларини ифода этган”.

Сайлов жараёнига ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши муҳим жиҳатлардан бири сифатида таъкидланиб, “СЯЭРнинг жорий этилиши – илгари бўлгани каби сайловчиларни қоғозда рўйхатга олишга нисбатан улкан ютуқдир”, дейилади ҳисоботда.

Депутатликка номзодлар сафида аёллар (41 фоизгача) ва бошқа миллат вакиллари улушининг (8,4 фоизгача) сезиларли даражада ошиши ҳам ижобий деб баҳоланган. Сиёсий партиялар 2019 йилда ўтган парламент сайловларида аёллардан иборат номзодлар улушини 2014 йилги сайловлардаги 32 фоиздан 41 фоизгача кўпайтиргани, улардан 48 нафари сайлангани эса (32 фоиз) жиддий кўпайгани алоҳида қайд қилинган.

ЕХХТ ДИИХБ сайлов жараёнларини янада такомиллаштириш борасида ҳам бир қатор тавсияларини тақлиф қилган. Хусусан, устувор тавсиялар сифатида сиёсий партияларни тузиш ва фаолият юритишига тўсқинлик қилувчи номутаносиб ҳуқуқий қоидаларни бекор қилиш, йиғилишлар ўтказиш, уюшмаларга бирлашиш ва сўз эркинлигини таъминлаш учун мавжуд қонунчилик базасини қайта кўриб чиқиш, номзодлар учун “яшаш цензи”

(Ўзбекистон ҳудудида камида беш йил)ни, тухмат ва ҳақорат учун жиноий жавобгарликни бекор қилиш, нодавлат нотижорат ташкилотларига сайловларни кузатиш ҳуқуқини бериш, бир сайловчининг бир неча бор овоз беришни олдини олиш мақсадида сайлов куни сайловчиларни руйхатга олишни таъқиқлаш.

Шунингдек, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш ва муомалага лаёқатсиз шахсларга овоз бериш ҳуқуқини тақдим этиш, сайловолди ташвиқоти даврида ташвиқот митингларини ўтказиш учун рухсат бериш тартибини бекор қилиб, ўрнига хабардор қилиш тартибини ўрнатиш, партиялар ва номзодларни хусусий маблағлардан молиялаштиришга рухсат бериш, партияларнинг молиявий ҳисобдорлик тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган.

Бундан ташқари, МДХ Парламент ассамблеяси ва Ижроия қўмитаси⁸³, ШХТ⁸⁴ ва Туркий тилли давлатлар кенгаши⁸⁵ кузатуви миссиялари баёнотларида эркин, адолатли сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича умумэътироф этилган демократик принциплар ва стандартларга ҳамда сайлов жараёни барча иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича ЎЗРнинг халқаро мажбуриятларига риоя қилингани эътироф этилган.

Баёнотларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, сайловларни умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ташкил этиш, яширин овоз бериш, сайловларни мустақил сайлов органлари томонидан ташкил этиш, сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва сайлов низоларини ҳал этиш механизмлари ЎЗРнинг сайлов қонунчилигида ўзининг ифодасини топгани таъкидланган.

Сайловлар жараёнида сайлов соҳасидаги мутахассислар ва аҳоли ўртасида олиб борилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилгани, хорижий давлатларда истиқомат қилувчи ва имконияти чекланган сайловчиларнинг барча конституциявий ҳуқуқларини тенг ва эркин амалга ошириш учун яратилган шароитлар ҳам алоҳида қайд этилди.

Сайловларни кузатиб борган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари томонидан халқ манфаатлари ва орзу-интилишлари, сайлов қонунчилигидаги янгиликлар кенг кўламда эътиборга олиниб, сайловлар юксак уюшқоқлик, сиёсий етуклик ва жамият аҳлининг демократик жараёнларда, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти ва дебатларида фаол иштирокига асосан очик-ошқора ва шаффоф ўтказилгани алоҳида таъкидланди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг⁸⁶ сайловларни кузатиш натижалари бўйича якуний ахборотида⁸⁷ сайловлар халқаро андозалар ва миллий

⁸³ <http://cis.minsk.by>

⁸⁴ <http://rus.sectosco.org/news/20191223/616242.html>

⁸⁵ <http://elections.uz/en/lists/view/2396>

⁸⁶ Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши томонидан 2020 йил 6 январь куни эълон қилинган. Мазкур Республика кенгаши раҳбар органи томонидан уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. ЎЗР Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармонида асосан ЎЗР Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҚР, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилган.

⁸⁷ https://www.mahallakengashi.uz/oz/press_center/news/soveti/fu-arolarning-zini-zi-bosh-arish-organlarining-zbekiston-respublikasi-oliy-mazhlisi-onunchilik-palat/

қонунчиликка риоя қилган ҳолда демократик тамойилларга асосланиб ўтказилгани қайд этилган.

Шу билан бирга, навбатдаги сайловларда маҳалла фуқаролар йиғинлари кузатувчиларининг билим ва малакасини ошириш, маҳаллаларда аҳоли учун сиёсий партиялар номзодлари билан учрашувлар ташкил этиш сони ва кўламини кенгайтириш, ОСК ва УСК аъзолигига номзодларни тавсия этишда очиқликни таъминлашга доир қоидаларни ишлаб чиқиш, хорижда сайловларни ташкил этиш учун электрон овоз бериш имкониятини кўриб чиқиш тавсия этилган.

ЎзР МСК кузатувчиларнинг тавсиялари асосида сайлов қонунчилиги ва амалиётини янада такомиллаштириш бўйича изчил ишларни амалга оширишга тайёрлигини билдиради.

Марказий сайлов комиссиясининг
2020 йил 28 октябрдаги
1040 сон қарорига
2-ИЛОВА

**“Сайлов 2019: ютуқлар, муаммолар, таклифлар” ҳисоботида
акс этган тавсияларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича
Марказий сайлов комиссиясининг ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ**

1. М.Истамов – Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари – ишчи гуруҳ раҳбари
2. Х.Маматов – Марказий сайлов комиссияси Котибият раҳбари, Комиссия котиби
3. Г.Рахимова – Марказий сайлов комиссияси доимий асосда ишловчи аъзоси
4. Б.Юнусов – Марказий сайлов комиссияси доимий асосда ишловчи аъзоси
5. А.Ибодуллаев – Марказий сайлов комиссияси доимий асосда ишловчи аъзоси
6. Х.Абдурахмонов – Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг Ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи
7. Ф.Насриддинов – Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг Сайлов қонунчилиги ва замонавий ахборот технологиялари бўйича Ўқув маркази директори
8. Х.Палуаниязов – Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг Сайлов қонунчилиги ва замонавий ахборот технологиялари бўйича Ўқув маркази етакчи консультанти – ишчи гуруҳ котиби